

Ақл ила олам

юзин обод қил,

Хулқ ила олам

элини шод қил.

Алишер НАВОЙЙ



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT XALQ ZIYOLILARI GAZETASI معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2013-yil 16-mart, shanba №22 (8567)

# СПОРТ БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ ЭНГ МУҲИМ ВА САМАРАЛИ ОМИЛИДИР

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН БОЛАЛАР СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМГАРМАСИ ҲОМИЙЛИК КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИДАГИ МАЪРУЗАСИ

Хурматли Ҳомийлик кенгаши аъзолари ва мажлис қатнашчилари!

Бугунги йиғилишимиз кун тартибига қiritилган масалаларни кўриб чиқишдан олдин мамлакатимизда 2002 йил октябрь ойида Ўзбекистон Президентининг фармони билан ташкил этилган Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг иш бошлаганига 10 йил тўлганини эслатиб ўтишни истардим.

Шу муносабат билан Жамғарманинг ана шу ўтган даврдаги фаолияти натижаларини қисқача сарҳисоб қилсак, айти мудоа бўлади, деб ўйлайман.

Шу борада барчамиз учун эзгу мақсадимизга айланб қолган вазифа — яъни “Соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш — келажак буюк давлат пойдеворини куриш, дунёда ўзимизга юксак обрў эгаллаш демакдир” деган ширин эслашимиз ўринли бўлади.

Бошқача қилиб айтганда, Жамғармани ташкил этишда биз соғлом ва баркамол авлодни шакллантириш, соғлом ҳаёт тарзини кенг қарор топтириш, ёш наслимизни турли салбий таъсирлардан асраш, болалар спортини том маънода оммавий, умумхалқ ҳаракатига айлантиришдек олижаноб мақсадларни ўз олдимизга қўйганимизни яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчиман.

Чунки, ҳеч кимга сир эмас, ҳар қайси ота-онанинг орзу-си бўлган, яъни ўз фарзандларининг жисмоний, интеллектуал ва маънавий жиҳатдан етук бўлиб, ҳаётда муносиб ўрин эгаллашини энг устувор, энг олий мақсад, деб билган мамлакат ва халқига юксак тараққиётга эриша олади.

Мухтасар айтганда, биз болалар спортини таълим-тарбия жараёни билан мутаносиб равишда изчил ривожлантиришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик ва бу йўлда кенг қўламли ишларни амалга ошириб келмоқдамиз.

Жамғарма фаолиятида асосий эътибор болалар спортини, биринчи навбатда, қишлоқ жойларда ривожлантириш, унинг моддий-техник базасини шакллантириш, умумтаълим мактабларида замонавий болалар спорт комплекслари тармоғини барпо этиш, уларни замонавий спорт ускуна ва инвентарлари билан жиҳозлаш, шунингдек, бу иншоотлардан самарали фойдаланишга қўмаклашиш масалаларига қаратилгани ҳар жиҳатдан тўғри бўлганини бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда.

Ўтган охириги 10 йил давомида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 1113 та болалар спорт объекти, жумла-

дан, 252 та янги спорт комплекси, 861 та спорт зали барпо этилгани, буларнинг 84 фоизи қишлоқ жойларда қурилганини таъкидлаш лозим.

Бундан ташқари, фаолият кўрсатаётган 262 та спорт иншооти реконструкция қилинди ва капитал таъмирланди. Бу мақсадлар учун 570 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди. Биргина ўтган йилда 92 та болалар спорт объекти ва 16 та сузиш ҳавзаси қурилди ва реконструкция қилинди.

Айтиш жоизки, юқорида келтирилган рақамлар фақатгина Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилган ишларни ифода этади.

Мамлакатимиз бўйича умуман бугун мавжуд бўлган спорт объекти ҳақида гапирганда қуйидаги кўрсаткичларни эътиборга олиш зарур.

Бугунги кунда умумтаълим мактабларининг сони 9600 тани ташкил этадиган бўлса, уларнинг 81 фоизи янгитдан қурилган ва реконструкция қилинган спорт залларига эга.

1549 та коллеж ва лицейлар замонавий жиҳозланган спорт заллари билан 100 фоз таъминланган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, фойдаланишга топширилган янги спорт иншо-

отларнинг барчаси Ўзбекистон давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан махсус ишлаб чиқилган замонавий намунали лойиҳалар асосида барпо этилди ва жиҳозланди.

Болалар спорт объектилари, авваламбор, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган анжумлар билан жиҳозланди ва қайта жиҳозланмоқда. Бугунги кунда 120 турдаги спорт инвентарлари ва ускуналарининг 114 таси мамлакатимиз қорхоналарида ишлаб чиқарилаётгани ўтган даврда бу борада ҳам жиддий қадамлар қўйилганидан далолат беради.

Айни вақтда спорт объектиларидан тўла ва самарали фойдаланиш униб-ўсиб келаятган фарзандларимиз, айниқса, қизларимизнинг спортга бўлган қизиқиш ва интилишини орттириш йўлида муҳим ўрин тутди.

Ҳозирги пайтда янгитдан бунёд этилган болалар спорт объектиларида фаолият кўрсатаётган 57,5 мингдан 1 миллион 800 минг нафардан зиёд бола спорт билан шуғулланаётгани ва бунинг натижасида ҳар қайси спорт иншоотининг кундалик ўртача бандлик даражаси 9,2 соатга етгани, ҳеч шубҳасиз, фаолиятимизнинг энг муҳим самараси, десак, айти ҳақиқатни айтган бўламиз.

(Давоми 2—3-бетларда.)

Президент Ислам Каримов раислигида 15 март куни Оксаройда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Мамлакатимизда жисмонан ва маънан соғлом, ҳеч кимдан кам бўлмаган авлодни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, юксак маънавиятли, ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказиш Ватанимиз келажакни таъминлаш ва барча эзгу мақсадларимизни рўёбга чиқаришнинг муҳим омилidir. Бу олижаноб мақсад йўлида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, болалар спортини ривожлантириш, таълим тизимини такомиллаштириш каби йўналишлардаги изчил ишохотлар ўзининг юксак самараларини бераётир.

Фарзандларимизни юксак билимли ва заковатли, жисмонан бақувват инсонлар этиб камолга етказишнинг бош омили — болалар спортини ривожлантириш масаласи давлатимиз ва жамиятимизнинг доимий диққат марказида бўлиб келмоқда. Бугунги кунда болалар спортини мамлакатимиз таълим-тарбия тизимининг узвий қисмига айланиб, ушбу соҳа билан мутаносиб равишда изчил ривожлантирилмоқда.

(Давоми 3-бетда.)

# ҚИШЛОҚДА ЗАМОНАВИЙ СПОРТ МАЖМУАСИ



Қашқадарё вилоятида ёшлар ўртасида спортни янада оммавийлаштириш, айниқса, қишлоқ жойлардаги спортсевар йигит-қизлар учун зарур шарт-шароитлар яратиб, мавжуд спорт иншоотларидан самарали фойдаланиш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Шахрисабз тумани Қоралойча қишлоғидаги замонавий спорт мажмуасида бугунги кунда 288 ўқувчи-ёшлар спортнинг бадий гимнастика, стол тенниси, футбол ва дзюдо турлари билан мунтазам шуғулланмоқда. Уларнинг 166 нафари қизлардир.

Замон талаблари асосида жиҳозланган ушбу спорт масканида маҳорат сирларини ўрганаётган қишлоқ ёшлари вилоят ва республика миқёсидаги мусобақаларда муваффақиятли иштирок этмоқда.

Суратларда: ёш, умидли спортчи Аббор Тўраев. Бадий гимнастика тўғрисидаги мураббий Нодира Ғоипова ёш гимнастикачи Луиза Йўлдошева билан.

Жамшид НОРҚОБИЛОВ (ЎЗА) олган суратлар.



# СПОРТ БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН БОЛАЛАР СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Биз учун яна бир муҳим масала — бу қизларимизни ёшлигидан спортга жалб этиш, қизиқтириш билан боғлиқ бўлиб келмоқда. Эртага она бўладиган, янги инсонни дунёга келтирадиган, оила ва жамият таянчи бўладиган қизларимизни ёшлиқдан спорт билан ошно этиш масаласига янада жиддий эътибор беришимиз, бу борада эскидан қолган қарашларга бутунлай чек қўйишимиз зарур.

Турли, биз учун кўп жиҳатдан янги спорт турларини ўзлаштириш ва ҳаётга татбиқ этиш мақсадида амалга оширган ишларимиз мисолида сув спортини ривожлантиришга оид масалаларга тўхталиб ўтмоқчиман.

Ўтган беш йилда мамлакатимизнинг барча вилоятларида намунавий лойиҳалар асосида ҳажми 25 метрга 12 метр бўлган 14 та янги, замонавий ёпиқ сузиш ҳавзаси барпо этилди, 13 та сузиш ҳавзаси қайтадан қурилди, 83 таси капитал таъмирланди. Шу даврда 110 та сузиш ҳавзаси фойдаланишга топширилди, уларнинг умумий сони бугунги кунда юртимиз бўйича 203 тага етди.

Яратилган бундай кенг имкониятлар болаларнинг сув спорти турлари — сузиш, синхрон сузиш, сувга сакрав, ватерпол билан оммавий равишда шугулланиши учун хизмат қилмоқда.

Ҳозирги вақтда 13 минг нафардан ортиқ ўғил-қизларимиз мамлакатимизда янги сузиш спорт турлари билан мунтазам равишда шугулланаётгани алоҳида эътиборга сазовор.

Ана шундай саъй-ҳаракатларимиз натижасида сўнгги йилларда Ўзбекистон спортчилари сув спорти турлари бўйича кўплаб халқаро мусобақаларда юксак натижаларга эришмоқда.

2012 йили Германияда бўлиб ўтган сузиш бўйича халқаро мусобақада мамлакатимиз терма жамоаси 9 та олтин, 9 та кумуш ва 6 та бронза медални кўлга киритди.

Ана шу беллашуларда жуда фаол иштирок этган 12 яшар Амирбек Усмонов дунёнинг манаман деган давлатларидан келган тенгдошларини ортда қолдириб, 5 та олтин ва битта кумуш медални кўлга киритгани, ҳеч шубҳасиз, барчамизга чуқур мамнуният бағишлади. Австрия мамлакатига ўсириллар ўртасида сузиш бўйича бўлиб ўтган халқаро турнирда ҳам Амирбек беш марта олтин медаль соҳиби бўлди.

Ўзимизга бир фараз қилайлик, илгари ёшларимиз сув спорти бўйича бундай катта ютуқларга эриша олармиди? Холисона тан олиб айтидиган бўлсак, бундай ютуқ ва галабалар илгари тушимизга ҳам кирмас эди. Бундай ҳаётни фақат орзу қилишимиз мумкин эди, холос.

Энг қувонарлиси, кўпчиликни ҳайратда қолдираётган бундай ёш чемпионлар қизларимиз орасидан ҳам кўплаб етишиб чиқмоқда. Мисол учун, Малайзияда ўтказилган синхрон сузиш мусобақаларида спортчи қизларимиз 4 та олтин, 1 та кумуш ва 2 та бронза медални кўлга киритишди. Наманган вилоятининг ўсириллар ва қизлар жамоалари эса ватерпол бўйича Малайзияда бўлиб ўтган халқаро беллашувда биринчи ўринларни эгаллашди.

Бугун нафақат Наманган, балки бутун Ўзбекистонимиз бу қизларга ҳар қанча олқишлар айтса арзийди. Чунки бир пайтлар, Наманганда қизлар, аёллар ихтимойи фаол эмас, деган

гаплар ҳам бўлган эди. Шу маънода, спортчи қизларимиз бугун эришган бундай юксак марралар албатта барчамизни хурсанд қилади.

Маълумки, спорт оламидаги ҳар қандай ютуқ ўз-ўзидан келмайди. Спорт майдонларида эришилаётган ютуқлар — аввало шу йўлда тинимсиз интилиб, курашиб яшайдиган инсоннинг ютуғи, айни вақтда шу инсонни тарбиялаб вояга етказган жамиятнинг ютуғидир.

Мен ишонман — бугун бутунлай янгица шaroитларда ўсиб, камол топаётган бизнинг болаларимиз, қизларимиз бундан ҳам катта ютуқларни кўлга киритишга албатта қодир. Шунинг учун ҳам бундай истеъдодли, навқирон фарзандларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз, уларнинг салоҳиятини тўла рўйга чиқариш учун барча шарт-шaroитларни яратиб беришимиз керак.

Мамлакатимизда катта теннис ва стол тенниси, бадий ва спорт гимнастикаси, сузиш, энгил атлетика, баскетбол, гандбол, волейбол, футбол, дзюдо, кураш ва дунё бўйлаб кенг тарқалган бошқа спорт турлари жадал ривожланиб, тобора оммавийлашиб бормоқда.

Айни пайтда, юқорида айтилганидек, юртимизда 1 миллион 800 минг нафардан ортиқ бола 30 дан зиёд спорт тури билан мунтазам шугулланмоқда. Бу рақам, 2003 йилга нисбатан олганда, 1,4 баробар кўпдир. Шу даврда мактаб ўқувчиларини жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига жалб этиш 20,4 фоиздан 40,5 фоизга, жумладан, қизлар ўртасида 16,4 фоиздан 32,5 фоизга ўсгани албатта ҳаммамизни қувонтиради.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ўтган йиллар давомида қишлоқ жойларда болалар спортини ривожлантириш билан боғлиқ ишлар тубдан яхшиланди.

Ҳолбуки, яқин-яқингача ҳам қишлоқларда болалар спорти қандай қоникарсиз аҳволда бўлиб келгани ҳақида ортиқча гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман.

Агарки рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, сўнгги ўн йилда қишлоқ жойларда болаларнинг спорт билан шугулланиши 14,5 фоиздан 39 фоизга ўсганини кўриш мумкин. Бугунги кунда қишлоқларда спорт билан мунтазам равишда шугулланадиган болаларимиз сони 2003 йилга нисбатан икки баробар кўпдир.

Ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкинки, ўтган йиллар мобайнида қизларнинг спортга жалб қилиш борасида улкан натижаларга эришилди. 2012 йилда мамлакатимизда спорт билан шугулланаётган қизлар сони, 2003 йил билан солиштириганда, 1,6 баробар, жумладан, қишлоқ жойларда 1,3 баробар ўсди.

Спортнинг бадий гимнастика, сузиш, синхрон сузиш, теннис ва бошқа турлари билан шугулланаётган қизлар сафи сезиларли даражада кенгайганини мамнуният билан қайд этиш лозим.

Мисолларга мурожаат қиладиган бўлсак, бадий гимнастика бўйича жойларда худудий федерациялар ва марказларнинг ташкил этилгани натижасида спортнинг саломатлик учун ҳар томонлама фойдали бўлган ушбу нафис тури билан мунтазам шугулланаётган қизлар сони кескин ошганини кўрашимиз.

Эътибор беринглари, агар 2003 йилда бор-йўғи 1700 нафар қиз бола бадий гимнастика билан шугулланган бўлса, 2012 йилда уларнинг сони 36 минггага етди.

Энг муҳими, қизларимизнинг спорт билан шугулланиши уларнинг нафақат саломатлигида, айни пайтда қадди-қомати тўғри шаклланишида, юриш-туришида нақадар муҳим аҳамият касб этаётганини бугун ота-оналарнинг ўзлари қувонч билан таъкидлашмоқда.

Болаларнинг спорт билан шугулланишига қизиқишини янада ошириш мақсадида мамлакатимиз худудларида спортнинг кўплаб турлари бўйича мусобақалар, спорт фестиваллари, ўртоқлик учрашувлари ва ўқув-машғулот йиғинлари мунтазам равишда ўтказилмоқда.

Мисол учун, 2003-2012 йилларда 23 мингта спорт тадбири ўтказилган бўлса, уларнинг қарийб 17 мингтаси қишлоқ жойларда ташкил этилганини айтиш лозим. Ана шу тадбирларда 10,5 миллиондан ортиқ бола, жумладан, қишлоқ жойларда яшайдиган 7,6 миллион нафар ўғил-қизларимиз иштирок этди.

Шуни алоҳида айтиш керакки, юртимизда аҳнавий тарзда ўтказиладиган, Олимпия ҳаракати тамойилларига тўлиқ мос келадиган уч босқичли спорт ўйинлари — “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ва Универсиада мусобақалари мамлакатимиз терма жамоаларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Азиз дўстлар, спортчи, биринчи навбатда, болалар спортини ривожлантириш борасидаги ишларнинг муваффақияти ушбу соҳага юқори малакали ўқитувчи ва мураббий кадрларни кенг жалб этиш билан боғлиқ экани ҳеч кимга сир эмас.

Шу мақсадда ўтган йиллар давомида болалар спорти объектиларини мураббий кадрлар, айниқса, аёл спорт устозлари билан таъминлаш бўйича кўпгина ишлар амалга оширилгани сизларга яхши маълум, албатта.

Аввало, мураббийлар меҳнатини рағбатлантириш бўйича юртимизда янги, самарали тизим жорий этилган бугунги кунда ўзининг амалий натижасини бермоқда. Бу борада 2012 йилда мураббий-ўқитувчилар сони 2003 йилга нисбатан 1,7 баробар кўпайгани, жумладан, аёл спорт устозларининг сони 5 баробар ошганини қайд этиш лозим.

Шу билан бирга, мураббий-ўқитувчи кадрлар таркиби ҳам сифат жиҳатидан ўзгарганини, яъни уларнинг қарийб ярми бугунги кунда ўз соҳаси бўйича олий маълумотга эга эканини таъкидлаш жоиз.

Ёш спортчиларимизнинг халқаро, қитъа ва минтақа миқёсидаги мусобақаларда кўлга киритган галабалари болалар спортини ривожлантириш борасида эришган ютуқларимизнинг яққол тасдиғи бўлмоқда.

Бу ҳақда сўз юритганда, 2005-2012 йиллар мобайнида Жамғарма маблағлари ҳисобидан қарийб 4 минг нафар бола 333 та халқаро спорт тадбирида, турли фестивал ва ўқув-машғулот йиғинларида иштирок этганини айтиб ўтиш ўринлидир. Ана шу мусобақаларда қатнашганларнинг асосий қисми — қарийб 2400 нафари қишлоқ жойларда яшаётган ўғил-қизларимиздир.

Биз барпо этган спорт объектиларидан спортчи сифатида шаклланиб,

камолга етган бу ёшлар дунёнинг 34 тадан ортиқ мамлакатига бўлиб, спортнинг 30 тури бўйича Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилгани ҳақида ҳар қанча гурурланиб гапирсак арзийди, албатта.

Ана шундай ёш спортчиларимиз ўтган даврда ўз маҳорати, азму шижоатини намоён этиб, 922 та медални, жумладан, 363 та олтин, 282 та кумуш ва 277 та бронза медални кўлга киритгани алоҳида таҳсинга сазовордир. Биргина 2012 йилнинг ўзида спортчи йигит-қизларимиз 204 та медаль соҳиби бўлдилар. Уларнинг 81 таси олтин, 61 таси кумуш ва 62 таси бронза медалидир.

Айниқса, ўсмир ёшдаги шахматчиларимизнинг ўтган йили эришган катта галабалари миллий спортимиз тарихида тома маънода ёрқин из қолдирадиган воқеа бўлди.

Бундай мисолларни давом эттирадиган бўлсак, 2012 йилда тўққиз яшар жажжигина шахматчимиз Нодирбек Абдусатторов Словениянинг Мариборе шаҳрида тезкор шахмат бўйича ўтказилган, дунёнинг — шунга эътибор беринг — 126 мамлакатдан қарийб 2600 нафар спортчи иштирок этган жаҳон чемпионатида голиб чиққани, ёш спортчимиз Нафиса Мўминова эса Ўзбекистон хотин-қиз шахматчилари орасида биринчи бўлиб Халқаро шахмат федерацияси — ФИДЕнинг халқаро гроссмейстер, деган юксак унвонига сазовор бўлганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Шу билан бирга, мохир сузувчи қизларимиз Шоҳида Зоҳидова, Севара Бобоқулова ва Гулсанам Йўлдошева синхрон сузиш бўйича Индонезияда бўлиб ўтган Осиё чемпионатининг кумуш медалларини кўлга киритгани ҳам миллий спортимиз шухратини ошириши йўлидаги жиддий қадам бўлди.

Ўзингиз ўйланг, мана шу уч нафар қизимиз, ўзбек қизлари спортнинг энг мураккаб тури бўлган синхрон сузиш бўйича Осиё қитъасида кумуш медалга сазовор бўлгани, ҳақиқатан ҳам, жуда катта воқеа. Илгари юртимиз қизларининг шу борада бундай муваффақиятли қатнашганларини эслай олмайдими? Бу ўз навабатида ҳаётимизда замон билан ҳамқадам бўлиб яшашга интилишининг кучайиб, демократик қадриятлар, аввало, оилавий демократиянинг ривожланиб бораётганининг исботи эмасми?

Айтиш керакки, бу уч нафар қиз Индонезияда медал олибди, деган шунчаки оддий гап эмас. Бу ютуқнинг моҳияти ва аҳамиятини англаб, чуқур мулоҳаза юритадиган бўлсак, шу мисолнинг ўзи ҳам одамларимиз, жамиятимизнинг ҳаёт тарзи, дунёқароши тубдан ўзгариб бораётганини намоён этмайдими? Бу ўз навабатида ҳаётимизда замон билан ҳамқадам бўлиб яшашга интилишининг кучайиб, демократик қадриятлар, аввало, оилавий демократиянинг ривожланиб бораётганининг тасдиғи эмасми?

Шунинг учун ҳам четдан туриб бизга ақл ўргатадиган, Ўзбекистон ҳақида қуруқ сафсата сотадиган баъзи кимсаларнинг гаплари тағи пуч даъволардан бошқа нарса эмас.

Ишончим қомилки, мана шундай ютуқларимизнинг барча соҳа ва тармоқларда янада кўпайиб бориши тирқоқ тағидан кир қилдирадиган бундай кимсаларга энг ўткир жавоб бўлади.

# ЭНГ МУҲИМ ВА САМАРАЛИ ОМИЛИДИР

## ЖАМГАРМАСИ ҲОМИЙЛИК КЕНГАШИНING МАЖЛИСИДАГИ МАЪРУЗАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Мен спорт соҳасида шундай марраларни кўлга киритаётган болаларимизни бугунги кунда мамлакатимизда катта куч бўлиб майдонга чиқаётган миллионлаб Ўзбекистон ёшларининг муносиб вакиллари, деб биламан. Айнан ана шундай азмушжоватли ўғил-қизларимиз ўз ютуқлари мисолида бошқа минг-минглаб тенгдошларига ибрат бўлади, керак бўлса, уларни ҳам катта мақсадлар йўлида руҳлантиради. Бу эса ўзбек халқи бугунги кунда дунёда тобора кескинлашиб бораётган рақобат шариқатида ҳеч қачон ҳеч қимдан кам бўлмайди, деган ҳақиқатни яна ва яна бир бор амалда тасдиқлаб беради. Агарки баландларвоз гаплари бир четга йиғштириб қўйиб айтадиган бўлсак, бундай болалар биз орзу қилган соғлом ва баркамол авлод тимсоли, эртанги кунимиз учун намуна бўладиган ёшлардир.

Биз албатта Хоразмий, Фарғоний, Беруний, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий каби буюк аждодларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз. Аини вақтда мана шундай ёшларимизнинг ютуқларини кўриб, бугун бизнинг давримиз келди, Ўзбекистоннинг замони келди, дунё бизни тан оляпти, деган юксак ғурур-ифтихор туйғуси, катта ишонч билан яшашимиз табиийдир.

**Шу нуктага назардан қараганда, ҳар қайси вилоят ёки туман раҳбари, ҳар қайси етакчи ва мутасадди шахс болалар спортини ривожлантириш масаласига ғоят жиддий эътибор қаратиши зарур.** Қаерда, қайси соҳада бўлмасин — бу илм-фан, маданият, адабиёт ва санъат, спорт соҳаси бўладими, агарки йилт этган истеъдод пайдо бўлса, бундай болаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш орқали уларни аввало Ватанимиз, халқимиз қўллаб-қувватлаётганини жамоатчилигимизга, ёшларимизга етказишимиз, англиштишимиз керак. Айниса, оммавий ахборот воситалари ходимлари, журналистларимиз бундай муҳим мавзуларни ёритишда янада фаоллик кўрсатишларини истардим.

Шу ўринда алоҳида айтиш жоизки, спортда эришган юксак натижалари учун синхрон сузиш бўйича Шоҳида Зоҳидова ва айқидо бўйича Осиё чемпиони сурхондарёлик Сарвиноз Шайдуллаева Зулфия номиндаги Давлат мукофоти билан тақдирланди.

Яқинда Тошкентда Хотин-қизлар байрамга бағишланган тантанали маросимда сўзга чиққан С.Шайдуллаеванинг фикрларига эътибор берадиган бўлсак, унинг қандай ишонч билан, ўз юрти ҳақида фахр билан гапиргани барчамизни мамнун этди. Мен бilmadim, бундай қизларга ҳар томонлама муносиб кўвб бўлиши, уларнинг меҳрини, муҳаббатини қозониш учун энди йигитларимиз қандай марраларни забт этиши керак бўлар экан?..

Эшак эшиш спорти бўйича ҳам фарзандларимиз халқро мусобақаларда юксак натижаларга эришмоқда. Францияда ўтказилган байдарка ва канозда эшак эшиш бўйича 17-халқро мусобақада терма жамоамиз 5 та медални кўлга киритди. Жумладан, тошкентлик Артур Нурғалиев ва Сергей Бухальцев 2 та олтин медалга сазовор бўлишди.

Шулар қаторида Дилшод Чориев ва Рамзиддин Саидов дзюдо бўйича Осиё чемпионатида олтин медалларни кўлга киритишди.

Ўзбекистоннинг 16 ёшгача бўлган ўсмирлар терма жамоаси футбол

бўйича Осиё чемпионатининг финал учрашувида Япония терма жамоаси устидан ғалаба қозониб, Осиё чемпиони деган унвонга сазовор бўлди.

Албатта, бу ютуқлар ёш спортчиларимиз томонидан халқро мусобақаларда кўлга киритилган ғалабаларнинг фақатгина бир қисми эканини барчамиз яхши тушунамиз.

Энг муҳими, фарзандларимиз жаҳон спорт майдонларида эришаётган бундай ютуқ ва натижалар мамлакатимизда болалар спортини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш борасида изчиллик билан олиб борилаётган кенг кўламли ишларимиз юксак самара бераётганининг яққол исботи сифатида барчамизга катта куч-ғайрат ва ишонч бағишлайди.

Шу борада яна бир ҳақиқатни ҳаммамиз яхши англаймиз. Яъни, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишнинг энг муҳим натижалари халқро, минтақа ва мамлакат миқёсидаги мусобақаларда юқори натижаларга эришиш билан бирга, **энг аввало, юртимизда болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, маънавий етуқ, жисмонан соғлом ёш авлодни вояга етказишда намоён бўлмоқда.**

2003-2012 йилларда ўтказилган тадқиқотлар ва ҳар йили ўтказиладиган мактаб ёшидаги болаларнинг профилактик кўрик натижалари шундан далolat бермоқдаки, жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиш болаларнинг жисмоний ривожланиши ва саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Бу фикрнинг амалий тасдиғи сифатида ўтган даврда ўқувчилар ўртасида ўткир респиратор вирусли инфекциялар, пневмония, бронхит, сколиоз билан касалланиш ҳолатлари сезиларли даражада камайганини, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида болалар саломатлиги яхшиланиши кузатилаётганини таъкидлаш мумкин.

Яна бир муҳим натижа шундан иборатки, сўнгги ўн йилда 14 ёшгача бўлган ўғил болалар ўртасида ўртача вазн кўрсаткичи 43 килограммдан 47 килограммга, қизлар ўртасида эса 44 килограммдан 48 килограммга ортгани кузатилоқда.

Болаларнинг бўйи эса ўғил болалар ўртасида ўртача 3 сантиметрга, қиз болалар ўртасида эса 2,9 сантиметрга ўсгани аниқланган. **Таъкидлаш жоизки, ҳозирги вақтда 92 фоиз ўғил-қизларимизнинг вазни ва бўйига доир кўрсаткичлари Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига тўла мос келади ва ўйламанки, бу барчамизга катта мамнуният бағишлайди.**

Шу ўринда яна бир фактга эътиборингизни қаратмоқчиман. **Агар 2003 йилда ҳарбий хизматга яроқли деб топилган йигитлар юртимизда 67,6 фоизни ташкил этган бўлса, 2012 йилда бу кўрсаткич 82,5 фоизга етган.**

Айтиш керакки, бу кўрсаткичлар шунчаки оддий рақамлар эмас. Уларнинг замирида бизнинг мустақиллик йилларида юртимизда дунёда ҳеч қимдан кам бўлмайдиган соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш борасида қилаётган қанча-қанча меҳнатларимиз, шу борада эришаётган улкан ютуқларимиз мўжассамдир.

Аини вақтда бу рақамлар спорт билан мунтазам шуғулланиш ўсиб келаётган ёш авлоднинг саломатлиги ва жисмоний ривожланишига нақа-

дар катта таъсир кўрсатаётганининг яна бир ёрқин далилидир.

Такрор ва такрор айтишга тўғри келади: **болалар ва ёшларнинг спорт билан оммавий равишда шуғулланиши уларнинг характерини тоблайти, кучли, мард ва жасур бўлиб камол топишига хизмат қилади, қатъиятли, ҳаёт синовлари ва қийинчиликларини мардона энгиб ўтишга қодир инсонлар этиб тарбиялайди. Спорт билан мунтазам шуғулланиш фарзандларимизнинг феъл-атвори ва турмуш тарзини ижобий томонга ўзгартиради.**

Бу сўзларнинг маъноси шунки, бугунги кунда тобора ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган, эртага бизнинг ўрнинимизни босадиган ёшларимизга спорт мана шундай ноёб фазилатларни бахш этар экан, биз болаларимизни спорт билан ошно этиш учун албатта бор куч ва имкониятларимизни янада кўпроқ ишга солишимиз, бу борада ҳеч нарсани аямаслигимиз керак.

Мухтасар айтганда, спорт мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялашнинг энг муҳим воситаси бўлиб келмоқда ва келажакда ҳам шундай бўлиб қолиши муқаррар. **Чунки спорт — соғлом авлод, соғлом келажак дегани. Бинобарин, фақат соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади.**

Бугун ўтган 10 йил давомида амалга оширган ишларимизни қисқача сарҳисоб қилар эканмиз, мана шу имкониятдан фойдаланиб, корхона ва ташкилотлар, компания ва фирмалар раҳбарлари ва жамоаларига, ҳусусий тадбиркорларга, ўзининг молиявий ҳиссаси ва шахсий иштироки билан Ўзбекистонда болалар спортини ривожлантиришдек эзгу ишга салмоқли ҳисса қўшган барча инсонларга самимий миннатдорлик билдирмоқчиман.

Мамлакатимиздаги чет эл бизнеси вакилларига Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятидаги иштироки, ўсиб келаётган ёш авлодни қўллаб-қувватлаш борасидаги хайрли ишлари учун алоҳида ташаккуримизни изҳор этамиз.

Бундан ўн йил олдин бошлаган ишларимиз ана шундай кенг қўллаб-қувватлангани тўғрисида Ўзбекистонда болалар спортини ривожлантириш қисқа муддатда том маънода умуммиллий ҳаракатга айланди, деб айтишга, ўйламанки, бугун барча асосларимиз бор.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, мамлакатимизда ўтган йиллар мобайнида болалар спорти объектиларини барпо этиш, уларни юксак малакали кадрлар билан таъминлаш ҳамда ана шу имкониятлар асосида самарали иш олиб бориш бўйича катта тажриба тўланди, бошқача айтганда, яхлит тизим яратилди.

Шу маънода, болалар спорти юртимизда нафақат катта ижтимоий, умуммиллий ҳаракатга айланди, балки Ўзбекистонимизнинг ҳар томонлама тараққиётга эришиши, ривожланган замонавий демократик мамлакатлар қаторидан муносиб ўрин олиши йўлида мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда, десак, ўйламанки, аини ҳақиқат бўлади.

Эндики асосий вазифамиз — бу борадаги ишларни жаҳон андозаларига мос равишда изчил давом этириб, янги, юксак босқичга кўтаришдан иборатдир.

Шу йўлда барчангизга сийҳат-саломатлик, янги-янги ютуқлар тилайман.

Давлатимиз раҳбарининг 2002 йил 24 октябрда қабул қилинган "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида"ги ва 2004 йил 29 августда қабул қилинган "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонлари бу борада муҳим дастуриламал бўлаётди. Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан ёшларимиз ўртасида спортни омаллаштириш, болалар спортини комплекс ривожлантириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар олиб борилоқда.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов маъруза қилди.

Давлатимиз раҳбари мазкур Жамғарма фаолият кўрсатаётганига ўн йил тўлганини қайд этиб, ўтган даврда бу борада амалга оширилган кенг кўламли ишлар, уларнинг аҳамияти ва амалий натижаларини хусусида атрафлича фикр юритди.

Йигилишда болалар спорти объектиларини тасдиқланган нормативларга мувофиқ зарур спорт инвентарлари ва ускуналари билан жиҳозлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Бу йўналишда амалга оширилаётган изчил чора-тадбирлар натижасида фойдаланишга топширилаётган болалар спорти объектилари, авваламбор, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган спорт инвентарлари ва ускуналари билан жиҳозланди ва қайта жиҳозланмоқда. Бугунги кунда 120 турдаги спорт инвентарлари ва ускуналарининг 114таси мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқарилаётгани соҳадаги муҳим натижалардан бири сифатида эътироф этилди.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган спорт анжомларининг турини янада кенгайтириш, уларнинг сифатини янада яхшилаш, шу соҳада фаолият олиб бораётган маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласига доимий эътибор қаратиш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Мажлисда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан болалар спорти объектилари, сузиш ҳавзалари ҳамда болалар мусика ва санъат мактабларини қуриш, реконструкция қилиш ҳамда капитал таъмирлаш дастурини амалга ошириш, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш, малакали спорт мураббийларини, айниса, аёл спорт устозларини тайёрлаш, қизларни спорт билан шуғулланишга кенг жалб қилиш, спорт иншоотларидан фойдаланишнинг самарадорлиги ва спорт билан оммавий шуғулланиш бўйича амалга оширилаётган ишларнинг натижалари атрафлича таҳлил қилинди ва устувор вазифалар белгилаб олинди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, молия вазири Р.Азимов, Бош вазир ўринбосарлари Б.Зокиров, Э.Боситқанова, А.Икромов, қатор вазирилик ва идоралар раҳбарлари, вилоят ҳокимларининг ахборотлари тингланди.

Мажлисда қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Олим ТўРАҚУЛОВ,  
ЎЗА МУХБИРИ

## Мақсад муштарак

Тошлоқ тумани умумтаълим муассасаларида чет тилларни ўрганиш борасидаги ишлар қизғин. Энг фаол, махалли педагоглар тажрибаси оммалаштирилмоқда, ёш мутахассисларга ёрдам таъриқасида илгор ўқитувчиларнинг ижодий ишлари тўплами тайёрланмоқда.

«Чоршанба — чет тилларни ўрганиш кун» деб белгиланган эса ўғил-қизларнинг тил ўрганишига иштиёқини оширмоқда. «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси», «Энг яхши фан хонаси», «Энг яхши дарс ишланмаси», «Энг яхши дарс кўргазмаси» каби кўрик-танловларнинг мунтазам ўтказиш борилиши ҳам хорижий тил ўқитувчилари орасида соғлом рақобат муҳити шаклланишига хизмат қилади.

Йил давомида худудий семинар ҳамда очик дарслар ўтказиб туриш мақсадида жойларда тайёргарлик ишлари ҳозирдан бошлаб буюрилди. Май ойида чет тили фани ойлигини юқори савидада ўтказиш, «Луғат ойна»лари ва чет тилларда чоп этилган бадиий асарлар кутубхонасини ташкил этиш кўзда тутилмоқда.

Баҳодиржон ШОКИРОВ

## Ҳарбийлик касбига қизиқиш ортмоқда

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги томонидан соҳага етук кадрлар тайёрлаб бериш, ҳарбийлар учун яратилаётган шaroитлар каби масалаларга бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.

Маълумки, юртимизда офицер кадрлар Тошкент олий умумқўшин кўмондонлик билим юрти, Чирчиқ олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юрти, Самарқанд олий ҳарбий автомобиль кўмондонлик-муҳандислик билим юрти, Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртида, шунингдек, Тошкент ахборот технологиялари университетининг махсус факультети ҳамда Тошкент тиббиёт академияси хузуридаги ҳарбий-тиббиёт факультетида тайёрланади. Матбуот анжуманида ана шу олий ҳарбий таълим муассасаларига кириш тартиби билан таништирилди. Шунингдек, Президентимизнинг 2012 йил 31 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари сафида мудаттали ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларга имтиёзлар тизимини тақомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори билан белгиланган имтиёзлар ёшларнинг ҳарбийликдек шарафли касбга қизиқиш ва ҳавасини янада ошираётгани алоҳида таъкидланди.

Санобар ЖУМАНОВА

## Битирувчиларга — иш ўринлари

Миллий матбуот марказида «2012—2015 йилларда республика озиқ-овқат саноатини ривожлантириш ва уни янада тақомиллаштириш борасида белгиланган чора-тадбирлар ҳамда устувор вазифалар» мавзусида матбуот анжумани ўтказилди. Тадбирда Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси раҳбарияти, масъул ходимлари, тизимдаги корхоналар вакиллари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Матбуот анжуманида таъкидланганидек, юртимизда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати ҳар йили 8-10 фоизни ташкил этмоқда, ички бозор эҳтиёжлари асосан ушунимизда етиштирилган маҳсулотлар ҳисобига қондирилмоқда ва маҳсулот экспортни ҳамми йилдан-йилга ортиб бормоқда.

2013 йилда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда қиймати 106,6 млрд. сўмлик 347та инвестиция

лоийҳаси амалга оширилиши натижасида 138 миң тонналик қўшимча қувватлар ишга туширилиб, 3162та янги иш ўринлари яратилади. Мухими, кўплаб касб-хунар коллежлари битирувчилари ишга жойлашади.

Тадбир якунида Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси вакиллари соҳа мутахассисларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишлари мунтазам давом эттириляётганини қайд этишди.

Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ,  
«Ma'rifat» мухбири

## «Биламан, билишни хоҳлайман, билиб олдим»

Юнусобод туманидаги 47-МТМда бўлиб ўтган мактабгача таълим муассасалари илк ёш гуруҳи тарбиячиларининг услубий бирлашмаси аъзолари йиғилишида илгор иш тажрибалар оммалаштирилди.

Йиғилишда кенгаш аъзолари «Илк ёшдаги болаларнинг ижтимоий-ҳиссий ривожланиш ҳоссаларини ташкил қилиш йўллари» мавзусида фикр алмашди. Иштирокчиларни фаоллаштириш учун семинарда «Ақлий ҳужум», «Ҳамама ҳаммага ўргатади», «Галерея» каби усуллардан фойдаланилди.

Муассаса мудираси Фотима Дадахонованинг «Биламан, билишни хоҳлайман, билиб олдим» услубидаги тренинги эса иштирокчиларнинг мавзунини янада чуқур ўзлаштиришини таъминлади. Кенгаш аъзоларининг тақлиф-мулоҳазалари умумлаштирилиб, тавсиялар ишлаб чиқилди.

З.ФАЙЗИЕВА,  
ТШПКҚТМОИ катта ўқитувчиси

## Адабиёт — ҳаёт дарсидир

Хоразм вилояти Урганч тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими томонидан тумандаги 47-танч умумтаълим мактабида «Мустақил юрт педагоглари сифатли таълим сари» шиори остида адабиёт фанидан «Очик дарслар фестивали» ўтказилди. Фестивалда методистлар, тажрибали фан ўқитувчилари иштирок этди.

Таълим соҳасидаги ислохотлар педагоглардан изланувчанликни, дарсларга ижодкорлик билан ёндашишни талаб этмоқда. Буни чуқур ҳис қилган ўқитувчилар ахборот-коммуникация технологиялари асосида ўтган дарслар фестивалга қатнашчиларида катта таассурот қолдирди. «Ўргат-ўрган» тавсияси доирасида ташкил этилган фести-

валда интерфаол усуллардан фойдаланиш дарсларда ўқитувчи ва ўқувчи ҳамкорлигини таъминлаб, мавзунини ўзлаштириш кўрсаткичи кўтарилишига хизмат қилишига яна бир бор амин бўлинди.

Ойгул ЖУМАНИЕЗОВА,  
Хоразм вилояти халқ таълими бошқармаси матбуот котиби

# КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК

Тошкентда «Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришда сифат ва миқдорий ўзгаришлар» мавзусида конференция бўлиб ўтди. Фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг мониторинг қилиш мустақил институти томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда мамлакатимиз парламент аъзолари, давлат тузилмалари, фуқаролик жамияти институтлари, илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари, БМТД, ЮНИСЕФ каби Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотлар вакиллари, Франция, АҚШ, Словения, Жанубий Корея, Исроил каби мамлакатлардан хорижий экспертлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Истиқлолнинг дастлабки кунларидан Ўзбекистонда амалга ошириб келинаётган кенг кўламли ислохотларнинг асосий мақсади барқарор ривожланаётган иқтисодиётга эга демократик ҳуқуқий давлат қуриш, инсон олий қадрият ҳисобланган, унинг ҳуқуқлари, манфаатлари ва эркинлиги таъминланадиган, салохиятини рўёбга чиқариши учун қулай шарт-шaroитлар яратилган очик фуқаролик жамиятини шакллантиришдан иборатдир. Конференцияда ўз тараққиёт йўлини танлаган мамлакатимиз эришаётган муваффақиятлар Президентимиз Исроил Каримов томонидан ишлаб чиқилган ва бутун дунёда эътироф этилган ислохотларнинг «Ўзбек модели»ни ҳаёtgа татбиқ этишининг амалдаги натижаси экани таъкидланди.

«Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» таъминлини изчил амалга ошириш доирасида аҳоли кенг қатламлари томонидан қўллаб-қувватланадиган, халқимиз тарихидан чуқур ўрин эгаллаган мустақил ўсиш олиб борадиган, барқарор фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ҳамда ривожлантириш учун барча зарур ташкилий-ҳуқуқий ва моддий шaroитлар яратилган.

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти директори Э.Солиҳов ўш маърузасида Президентимиз Исроил Каримов томонидан Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш доирасида мазкур институтда ушбу ижодий демократик жараёни чуқур ўрганиш бўйича тизимли ишлар йўлга қўйилганини қайд этди. Мониторинг тадқиқотлари натижалари мамлакатимизни демократик модернизация қилишда фуқаролик жамияти институтларининг роли ва ахамияти муттасил ошаётгани, фуқаролар, айниқса, ёшларнинг фуқаролик онги ҳамда сиёсий-ҳуқуқий маданиятининг барқарор ўсаятганидан далолат беради. Бу эса кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим шартидир.

Мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, сиёсий партиялар, ҳаракатлар, касба уюшмалари, жамоат бирлашмалари ва жамағармалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, мустақил оммавий ахборот воситалари фаолиятининг эркинлигини кафолатлайдиган мустақкам қонунчилик базаси яратилган. Улар Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг институционал тузилмасини ташкил этади ва фуқароларнинг мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича муҳим вазифаларни бажаришда фаол иштирокини таъминлашга қўмақлашади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи, фуқаролик институтларининг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларига риоя қилиш ҳуқуқли имкониятлар яратиб беришга оид таъминлар мустақкамлаб қўйилган. Бу борада қабул қилинган жамаи икки юздан ортик қонун ҳужжатлари мамлакатимизда фуқаролик жамиятини изчил ривожлантиришда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 23 июнда қабул қилинган «Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга қўмақлаштириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида кўзда тутилган комплекс чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ушбу ижодий жараёни ривожлантириш, ижтимоий ахамиятга эга муаммоларни ҳал этишда фуқаролик институтлари ролини кучайтириш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий, социал ва ишбилармонлик фаолигини оширишга ёрдам бермоқда.

2008 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати Кенгашларининг «Нодавлат нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қўшма қарори қабул қилингандан сўнг бу жараён янада жадаллашди. Ушбу ҳужжатга биноан мамлакатимиз олий қонунчилик органи хузурида Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ҳамда ушбу фонд маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси ташкил этилди. 2008—2012 йилларда давлат бюджетидан Жамоат фондига нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари томонидан турли баҳаларда ижтимоий ахамиятга эга лойиҳаларни амалга ошириш учун 22,4 миллиард сўмдан ортик маблағ ажратилди.

БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили ўринбосари Яко Силверсоннинг таъкидлашича, «Фуқаролик жамияти ҳар қандай мамлакатни ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди. Фуқаролик институтларига ислохотларни амалга оширишда, жумладан, аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатишда асосий механизмлардан бири сифатида қаралиш жуда муҳим. Халқаро тажриба шунини кўрсатадики, кучли фуқаролик жамиятини ривожлантириш учун шаклланган ҳуқуқий база, давлатнинг фуқаролик институтларини қўллаб-қувватлаши, хусусан молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаши, уларнинг давлат органлари билан ўзаро ҳамжиҳатли-

ги, кўплаб жамоат ташкилотлари самарали фаолият кўрсатишида муҳим ахамиятга эга. Ўзбекистонда ушбу барча йўналишларда муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Шуниси қувонарликки, фуқаролик жамияти соҳасида фаоллик кучаймоқда. Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий юксалтириш, аҳоли турли қатламларининг ҳокимият органлари билан самарали алоқаларини мустақкамлашда фуқаролик жамияти институтлари ролини ошириш учун зарур чора-тадбирлар қўрилмоқда. Жумладан, бунда мазкур конференция каби муҳим тадбирларнинг ўтказилиши ҳам алоҳида ахамиятга эга этмоқда. Бу каби тадбирлар натижасида давлат ва жамият ўртасидаги амалий мулоқот ривожланмоқда».

Конференцияда Президентимиз Исроил Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ушбу муҳим соҳада ислохотларнинг янги босқичини бошлаб бергани, унда давлат ва жамият қурилишида фуқаролик институтлари иштирокини изчил кенгайтиришга қаратилган қатор дастурий чора-тадбирлар кўзда тутилгани таъкидланди.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари (ННТ) фуқаролик жамияти институтлари тизимидан муҳим ўрин тутади. ННТлар фаолияти мамлакатимизни ривожлантириш шартлари ва халқаро стандартларга мос қонунчилик базаси билан таъминланган бўлиб, уларни давлат томонидан самарали қўллаб-қувватлаш механизми яратилган. 2007 йилда қабул қилинган ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг устувада белгиланган фаолиятини амалга ошириш мақсадида зарур ахборотни олиш учун давлат органларига мурожаат қилиш, давлат органларининг гайриқонуний қарорлари, уларнинг мансабдор шахслари ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлигини ҳимоялашни ҳуқуқи мустақкамланган «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун жамиятимизда уларнинг мақомини янада мустақкамлади.

ННТларнинг янада ривожланишига қўмақлаштириш мақсадида 2005 йилда ташкил этилган Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси ижтимоий ахамиятга эга лойиҳалар ва дастурларни амалга оширишда уларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштиришда, бу борада ҳар томонлама ёрдам кўрсатмоқда.

Ушбу чора-тадбирлар ННТлар сонининг кўпайиши ва уларнинг фаолияти самардорлигини ошириш имконини берди. 1991 йилда мамлакатимизда атиги 95 ННТ фаолият кўрсатган бўлса, бугун улар 6 миңдан ошди. ННТларнинг ижтимоий ахамиятга эга лойиҳаларини амалга ошириш учун ажратилаётган грант маблағлари миқдори ҳам мунтазам кўпайтирилмоқда. Маълумотларга кўра, 2009 йилда ушбу мақсадлар учун 444,6 миллион сўм ажратилган бўлса, 2012 йилда бу кўрсаткич 2300,4 миллион сўмни ташкил қилди. Грантлар олган ННТлар сони ҳам кўпайди — 2011 йилда 122 тадан 2012 йилда 160 дан ошди. Бунда жойлардаги доллар масалаларини ҳал этишда иштирок этаётган ҳудудий

# ЖАМИЯТИ — ДЕМОКРАТИК РИВОЖЛАНИШ АСОСИ

ННТлар сони 2,2 бараварга кўпайди. Айни пайтда уч юздан ортқ ННТ ижтимоий-иқтисодий ривожланиш давлат дастурини ишлаб чиқишда бевосита иштирок этди, кейинчалик эса ушбу дастурга ижрочилик сифатида киритилди. Бундан ташқари, «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурининг ақсарият бандлари бевосита ННТлар иштирокида амалга оширилди.

Пировард натижада эса, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш доирасида ишлаб чиқилаётган қонун лойиҳаларини жамоатчилик томонидан муҳокама этиш ҳамда экспертизадан ўтказишда ННТлар фаоллиги ошмоқда.

«Ўзбекистонда давлат фуқаролик жамияти ва унинг институтларини, жумладан ННТларни ривожлантиришга катта ёрдам бермоқда», — деди эксперт Хван Сан Чел (Жанубий Корея). — Бизнинг Осиё маданияти ва ривожланиш институтимиз аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига тиббий ёрдам кўрсатиш дастурини амалга оширишда ҳамкорлик қилмоқда. Тошкентдаги етакчи клиникалар базасида фаолият юритиб, биргаликда операциялар, гуманитар акциялар ўтказмоқдамиз. Шу билан бирга, чекка туманлар аҳолисига юқори малакали маслаҳат ва даволаш ёрдамини кўрсатиш учун кўмак ихчам клиника фаолият юритмоқда. Бу фаолият аҳолига манзилли ижтимоий ёрдам бериш доирасида амалга оширилмоқда. Ўзбекистонда кенг ривожланган бу жараён, хусусан, ННТ тармоғи ва маҳалла орқали амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда тобора мустаҳкамланиб бораётган фуқаролик жамияти тузилмаси Ўзбекистонда одамларнинг кўпга муҳим муаммоларини ҳал этишга қўмаклашмоқда. Бу эса ривожланиш жараёнида давлат ва жамиятнинг ўзаро самарали ҳамкорлигига ёрдам берилган мисол бўлади».

Тадбирнинг хорижлик иштирокчилари Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари (ОАВ) юқори даражада ривожланаётгани, мамлакатимизда ОАВ самарадорлиги ва мустақиллигини, ислохотларнинг очик-ошқоралигини таъминлаш, кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида кенг қўламли ишлар изчил амалга оширилаётгани ҳамда бу ижтимоий-сиёсий ҳаётни демократлаштиришга ижобий таъсир кўрсатаётганини таъкидлади.

Бунга мустақил ОАВни ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиши учун шарт-шароит яратиш, жамоатчилик назоратини амалга оширишда уларнинг иштирокини кенгайтиришга қаратилган тизимли ҳамда босқичма-босқич ишлар ҳам ёрдам бермоқда. Бу борада «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида», «Журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида», «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида», «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»-ги қонунлар қабул қилинди. Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 30 декабрда қабул қилинган «Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида»-ги қарори соҳани янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, ўз таркибиде юздан ортқ электрон оммавий ахборот воситасини бирлаштирган Нодавлат электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини кўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди журналистлар, нодавлат ОАВ, жумладан электрон медиа-тузилмаларни тизимли асосда кўллаб-қувватламоқда. 2009—2012 йилларда Нодавлат ношйорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини кўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан ўтказилаётган грант ташаббусларида иштирок этаётган ОАВлар сони тўрт баробарга кўпайди. Бу даврда ОАВни ривожлантириш ва фаолиятини кўллаб-қувватлаш учун ажратилган грант маблағлари ҳажми ҳам 25 баравардан ошди.

Буларнинг барчаси мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларининг ҳам сифат, ҳам сон жиҳатидан кўпайишига ижобий таъсир кўрсатмоқда. 1991 йилдан буён уларнинг сони 395 дан 1326гача кўпайди, уларнинг қарийб 60 фоизи нодавлат ОАВ ҳисобланади. Жойлардаги долзарб муаммоларни аниқлаш ва ёритишда, жамоатчилик назоратини амалга оширишда, биринчи навбатда, худудий ОАВнинг роли, шунингдек, уларнинг танқидий материаллари таъсирчанлиги ошди ва ушбу материаллар бўйича тегишли чоралар кўрилмоқда.

Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган кўп партияли тизимнинг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қондалари, «Сиёсий партиялар тўғрисида», «Сиёсий партияларнинг молиялаштириш тўғрисида», «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»-ги Конституциявий қонун билан белгиланган. «Парламентдаги кўпчилик» ва «Парламентдаги озчилик» тушунчаларига аниқлик киритилган, мамлакатимиз парламенти кўйи палатасига сайловларда энг кўп депутатлик ўрнини олган сиёсий партия Бош вазир номзодини тақдир этиш, уни эгаллаб турган лавозимдан озод этиш ташаббусини билдириш ҳуқуқига эга.

Маъзур қонун ҳужжатларининг амалга оширилиши кўп партияли тизимни мустаҳкамлашга катта таъсир кўрсатди, парламент, маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятида, мамлакатимиз тараққиёти учун аҳамиятга эга қарорларни қабул қилишда сиёсий партияларнинг иштирокини кенгайтириш асосларини яратди. Айни пайтда мамлакатимиз парламентида тўрт сиёсий партия фракциялари, шунингдек, Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг депутатлар гуруҳи фаолият кўрсатмоқда.

Партиялараро рақобат даражаси ошди, фракциялараро кураш, фракцияларнинг ўз электорати манфаатларини ҳимоя қилиш, ижро ҳокимияти органлари фаолияти устидан депутатлик назоратини амалга ошириш, жойларда қонунлар ижросини текшириш ишлари кучайди. 2012 йилда 2011 йилга нисбатан Халқ депутатлари кенгашлиридаги партиялар гуруҳларидан депутатлик сўровлари сони 33,2 фоизга кўпайди. Ман-

сабдор шахсларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, давлат дастурларини амалга ошириш масалалари бўйича ҳисоботларини эшитиш амалиёти фаол қўлланилмоқда.

«Ўзбекистондаги кўпга фуқаролик жамияти институтлари билан самарали ҳамкорлик қилиб келмоқдамиз ва бу бизга катта ижобий таъриба бермоқда», — дейди «Минтақавий мулоқот» ННТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси директорининг ўринбосари Катя Гершак (Словения). — Фуқаролик жамияти — демократик давлат барпо этишнинг муҳим таъкид қилинган. Унинг ҳоҳияти шундаки, одамлар бир-бирига ёрдам беради. Ўзбекистонда бундай ҳамкорликка одамлар фаровонлиги йўлида фаолият кўрсатаётган турли жамоат ташкилотлари ишига фуқаролар ҳам жалб этилаётган маҳалла институти ёрқин мисол бўлади. Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қўмаклашаётган яна бир ижобий таъриба мисол тарихида қайд этишни истардим. Айни пайтда янги қонунларнинг ишлаб чиқилган лойиҳаларининг жамоат томонидан кенг муҳокамаси ташкил этилган».

Ўзбекистонда давлат бошқарувини демократлаштириш жараёнида вазифаларнинг бир қисmini жамоат ташкилотлари, шу жумладан, фуқароларнинг маҳалла каби ноёб ўзини ўзи бошқариш органига босқичма-босқич ўтказиш муҳим масалалардан биридир.

Мамлакатимизда фуқароларнинг 10 мингга яқин ўзини ўзи бошқариш органлари илгари маҳаллий ҳокимият органларининг алоҳида ҳуқуқлари доирасига кирган ўттиздан ортқ вазифани бажармоқда, чунонки, жойлардаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, жамиятимизда маънавий-ахлоқий кадрларни қарор топтириш, баркамол ёш авлодни тарбиялаш, аҳоли бандлигини ошириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва худудларни ободонлаштириш каби кўпга маҳаллаларни самарали ҳал этмоқда.

Маҳалла аҳолини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш, оилавий бизнес ва хусусий тадбиркорлик марказига айланмоқда. Фуқаролар йиғинлари ҳузурида ташкил этилган маслаҳат марказлари тадбиркорлик фаолиятини юритиш бўйича ўқу қурсларини ташкил қилмоқда, ишга жойлаштириш ва кадрларни қайта тайёрлаш, кичик қорхоналарни рўйхатдан ўтказиш ҳамда банк кредитларини олиш учун ҳужжатларни расмийлаштиришга қўмаклашмоқда. Бу ишларнинг ҳаммаси юксак натижалар бераётди. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари иштирокида 2012 йилда 633 мингга янги иш ўринлари яратилди ва бу 2011 йилдагига нисбатан учдан бир баробар кўпдир.

Мамлакатда ҳаётга татбиқ этилаётган демократик ислохотлар самарадорлиги кўп жиҳатдан фуқаролар оғи, аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий маданиятининг нечоғли ривожланганига боғлиқдир. Шу боис мустақилликнинг дастлабки қунларидан ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аҳолида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, қонунларни ҳурмат қилиш, ўзининг конституцион ҳуқуқларини, Ватанимиз тақдирига, мамлакатимиз ҳамда дунёда рўй бераётган воқеаларга дахлдорлигини англаш туйғусини шак-

лантириш муҳим вазифаларидандир.

Тадбир иштирокчилари Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг муҳим вазифаси сифатида инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича узлуқсиз таълим ва маърифат, аҳоли ҳуқуқий оғи ва ҳуқуқий маданияти даражасини оширишга доир ноёб, яхши тизим яратилганини қайд этдилар.

Президентимиз Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида» ва «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида»ги фармонлари мазкур соҳани ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда. 1997 йилда Жамиятда ҳуқуқий маданиятни ошириш миллий дастури қабул қилинди. 2008 йилда эса давлатимиз раҳбарининг фармони билан тасдиқланган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастурига мурофиқ аҳолининг ҳуқуқий билимларини юксалтириш, жамиятимизда инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантиришга доир чора-тадбирлар амалга оширилди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга татбиқ этиш доирасида ҳам ушбу соҳада изчил ишлар бажарилди. Ўзбекистонда 2011 йилдан буён Ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича давлат органлари ишларини мурофиқлаштириш бўйича идоралараро кенгаш фаолият кўрсатмоқда.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мурофиқ Инсон ҳуқуқлари соҳасида миллий ҳаракат дастури ишлаб чиқилмоқда. Унда шахс ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш соҳасида қонунларга риоя этиш устидан жамоатчилик мониторингини амалга ошириш, жамиятимизда инсон ҳуқуқлари маданиятини ривожлантиришга оид янада кенг қўламли чора-тадбирлар кўзда тутилади.

Конференцияда аҳолининг юксак ҳуқуқий маданияти демократик жамият асоси ва уни ривожлантириш кафолати экани таъкидланди. Бу жараёнга фуқаролик институтлари ҳам янада фолпрқ жалб этилмоқда. Қонун устуворлиги принципини амалга ошириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, фуқаролар ҳуқуқий маданиятини оширишда уларнинг ўрни ортб бераётди.

«Бундай ўта муҳим мавзуга бағишланган конференцияда қатнашиш мамлакатимизда бу борада тўлпалган таърибани янада чуқур ўрганиш имконини беради», — дейди эксперт Идан Пейсахович (Исроил). — Масалан, «Камолот» каби йирик ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ташкил этилиши ва фаолият кўрсатиши, ёшларнинг етакчилиги кўникмаларини ривожлантириш, уларга билим олиш, ишга жойлаштириш, ижтимоий муаммоларни ҳал этишда ҳар томонлама ёрдам бериш жуда яхши таъриба бўлиб, уни, жумладан Исроилда ҳам ўрганиш ва қўллаш арзиди. Фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш бўйича очик мулоқот жараёнига кенг жамоатчилик жалб

этилган, хусусан, хорижлик экспертлар иштирокида давра суҳбатлари, конференциялар ўтказилмоқда. Бу борада мамлакатимиздан ибрат олса арзигulik жиҳатлар кўп. Ўзбекистон Президентининг оқилона ва аниқ мақсадга йўналтирилган сиёсати самарасида мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ва унинг институтларини барча даражада ривожлантириш учун зарур шароит ва имкониятлар яратилган. Бу жуда тўғри йўл бўлиб, ундан бундан буён ҳам самарали ҳаракат қилишингизга ишонаман».

Фуқаролик жамияти институтлари Ўзбекистонда аҳолининг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш, шахс ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш, инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантиришда муҳим омил бўлмоқда. Фуқаролар мурожаатлари сони кўпаймоқда, уларда кўтарилаётган масалалар давлат органлари ҳамда жамоат ташкилотлари фаолиятидаги мавжуд муаммо ва камчиликларни аниқлаш, бартарф этишга ёрдам бермоқда.

Конференция қатнашчиларининг таъкидлашича, буларнинг барчаси Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ва унинг институтларини ислох этиш ҳамда демократлаштириш, ривожлантириш жараёни муқаррарлик касб этганидан далолат беради. Унинг турли жиҳатлари бўйича Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти томонидан худудларда 1,3 мингдан ортқ тадбир, шунингдек, ишлаб чиқилаётган қонун лойиҳаларининг жамоатчилик муҳокамасига бағишланган икки юзга яқин давра суҳбатлари ва семинарлар ташкил этилди. Миллий ва чет эллик шериклар билан ҳамкорликда Ўзбекистонда демократик ислохотларни чуқурлаштириш, янги қонунлар лойиҳаларини муҳокама этиш ҳамда улар бўйича тақлифлар ишлаб чиқишга доир амалга оширилаётган чора-тадбирлар мазмун-моҳиятини очиб беришга оид ўн битта халқаро конференция, давра суҳбати ва семинарлар ўтказилди.

Шу билан бирга, конференцияда ҳар томонлама муҳокама ва фикрлар алмашиш дутлади. Конференцияда аҳоли, жумладан, ННТлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари етакчилиги ва фаолларнинг ҳуқуқий билим даражаси, сиёсий маданиятини ошириш, давлат органлари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари ўртасида ижтимоий шериклики мустаҳкамлаш муҳимлигини тушунтириш ишларини янада яхшилаш талаб этилаётгани таъкидланди. Шу муносабат билан Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтига фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг самарадорлигини янада оширишга монелик қилаётган омилларни комплекс равишда ўрганиш ва таҳлил қилиш, Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг аҳолига оид йиллик миллий маърузалар тайёрлашни амалиётга жорий этиш тавсия этилди.

Конференция аяқлари бўйича тегишли тавсиялар қабул қилинди, улар фуқаролик жамиятини ривожлантириш соҳасида фаолият кўрсатаётган миллий институтлар ишида эътиборга олинди.

Анна ИВАНОВА,  
ЎЗА муҳбири

21-mart — Navro'z bayrami kuni kun bilan tun tenglashadi. Ajdodlarimiz har yili Yilboshi arafasida ommaviy hasharlar, obodonchilik ishlari uyushtirgan. Mevali va manzarali daraxt ko'chatlari o'tqazib, yangi bog'lar barpo etishgan. Navro'z bayrami shukuhida xalqimizning orzu-intilishlari, ruhiyati va tafakkuri, turmush tarzi to'liq mujassam. 2013-yilning Yurtboshimiz tomonidan "Obod turmush yili" deb e'lon qilinishi zamirida ham xalqimizning asriy an'analari, qadriyatleri, mehr-oqibati ifodalangan.

**Ta'lim muassasalarida Navro'z umumxalq bayramini yuqori saviyada nishonlash uchun o'z tajribalarimizdan bir shingilini hamkasblarimiz hukmiga havola etamiz:**

— Bayramni nishonlash maqsadida ta'lim muassasalarida "Navro'z — umumxalq bayrami haftaligi" e'lon qilinib, uni o'tkazish bo'yicha jadval tuzildi;

— haftalik davomida o'quvchilar orasida devoriy gazetalari, insholar tanlovi o'tkazildi;

— maktab rahbariyati tomonidan haftalikning bir kuni 1—4-sinf, yana bir kuni 5—7-sinf va 8—9-sinf o'quvchilari uchun ajratilib, bayram sayillari tashkil etiladi. Haftalikning qolgan kunlarida boshqa tadbirlar o'tkazish mumkin. Sayil kunlari direktorning ma'naviy-ma'rifiy ishlar bo'yicha o'rinbosari o'quvchilarni bayram tarixi bilan tanishtirib boradi;

— 1—4-sinf uchun belgilangan sayil kunida "Chillak", "Mergan", "Oq terakmi — ko'k terakmi?", "G'ozlar", "Sichqon va mushuk", 5—7-sinflar uchun belgilangan sayil kunida "Varrak uchirish", "Arqon tortish", "Tortish-machoq", "Xo'rozlar jangi" kabi milliy xalq o'yinlarining o'tkazilishi maqsadga muvofiq. 8—9-sinflar uchun belgilangan sayil kunida esa "Kurash", "Arqon tortish", "O'lkamga Navro'z keldi" mavzusida aytishuvlar (o'lanlar, lapalar, she'rlar) hamda milliy taomlar festivalini tashkil etish tavsiya qilinadi. O'qituvchilar tashabbusi bilan boshqa milliy xalq o'yinlari ham o'tkazilishi mumkin;

— milliy taomlar festivali, devoriy gazeta va insholar tanlovlarinin yakuniy natijalari haftalikning so'nggi kunida e'lon qilinib, g'oliblar maktab ma'muriyatining esdalik sovg'alari bilan taqdirlanadi;

— bayram tadbirlarini Xalq ta'limi vazirligining 2013-yil 19-fevraldagi 58-sonli buyrug'i bilan tasdiqlangan "Hushyorlik va ogohlik — davr talabi!" yo'riqnomasi asosida tashkil etishga e'tibor qaratish zarur.

**Milliy xalq o'yinlarini o'tkazish tartibi bilan tanishamiz!**

**"Oq terakmi — ko'k terakmi?" o'yinida** ishtirokchilar ikki guruhga bo'linadi. Har bir guruhda bolalar soni beshtadan kam bo'lmisligi kerak. O'yin boshlanishidan oldin qur'a tashlanadi. Ikkala guruhdan bittadan ishtirokchi chiqib, qur'ani oladi. Bolalardan qaysi

birining qo'liga "Oq terakmi — ko'k terakmi?" deb yozilgan yozuv tushsa, o'sha guruh o'yinni boshlab beradi. Guruhlar ikki tarafdin bir-biriga ro'baro' saf tortib qo'llarini qo'llariga bergan holda zanjir hosil qilib turishadi.

O'yinni boshlayotgan guruh a'zolarining biri ikkinchi guruhdagi bolalarga qaratadi:

"Oq terakmi — ko'k terakmi, bizdan sizga kim kerak?" deya xitob qilishadi. Ikkinchi guruh a'zolari esa: "Bizga a'lochii Karima (misol tariqasida) kerak", deb javob qaytaradi. O'quvchilarning biror xislatini qo'shib aytish ham tarbiyaviy ahamiyatga ega.

Shunda nomi aytilgan bola safdan chiqadi-da, yugurib ikkinchi guruhda zanjirdek qo'l ushlab turgan bolalar safiga o'zini uradi. Safni yorib zanjirni uzib o'ta olsa, ushbu guruhdagi istalgan bir bolani o'z guruhiga olib ketadi. Agar zanjirni uzib o'ta olmasa, shu guruhda qolishga majbur. Xuddi shu yo'sinda

## TINCHLIK VA MEHR-OQIBAT BAYRAMI

ikkinchi guruh a'zolari o'yinni davom ettiradilar. Qaysi bir guruhda birorta ham bola qolmasa, yutuqzagan hisoblanadi.

**"Mergan" o'yinida** 2 yoki 4 nafar bola qatnashadi. Bolalar ikki guruhga bo'linadi. Yong'oqlar miqdoriga qarab bo'lib olinadi. Birinchi juft o'z yong'oqlarini 3-4 metrcha masofaga uloqirishadi. Ikkinchi juft esa ularni mo'ljalga olib urishlari kerak. Ishtirokchilar nishonga aniq tekkiza olsalar, o'sha yong'oq ularniki bo'ladi, aks holda, mo'ljalga urish navbati musobaqadoshlariga o'tadi. O'yin kimningdir yong'oqlari tugaguncha davom etadi.

**"Xo'rozlar jangi" o'yinida** yerga diametri 2 metrli aylana chiziladi. O'yinchilar ikki guruhga bo'linadi va doira ichida bir-biriga yuzma-yuz ikki qator bo'lib tiziladilar. Har bir guruhdan bittadan boshlovchi tayinlanadi. Boshlovchilar tomonidan guruhdan tanlangan bir nafar o'yinchi aylana ichiga kirib, qo'llarini orqaga qilib, bir oyoqlab turadi. O'yinni boshlashga ruxsat berilishi bilan bir-birlarini yelka va gavdalari bilan turtib, itarib aylanadan chiqarishga harakat qiladilar. O'z raqibini

### Metodik tavsiya

tashqariga chiqara olgan o'yinchi g'olib hisoblanadi. Shundan keyin doira o'rtasiga navbatdagi juftlik kiradi. O'yin hamma bolalar xo'roz rolini bajarib bo'lguncha davom ettiriladi. So'ngra g'olib guruh aniqlanadi.

**"G'ozlar" o'yinida** bir tomonda qizlar qo'lni qo'lga berib, qator tizilish turadilar. Ikkinchi tomonda ularga ro'baro' holda bo'yi uzunroq bir qiz turadi. Bu qiz o'yinda ona g'oz hisoblanadi, qator tizilish turganlari esa g'ozlar bo'ladi. Ona g'oz va g'ozlar orasidagi masofa chamasii 10-15 metr bo'lib, shu masofa o'rtalig'ida ikki yonbosh tarafdin ikki o'g'il bola poylab turadi. Bu bolalar "Bo'rilar" hisoblanadilar.

O'yin boshlanadi. Ona g'oz g'ozlariga murojaat qiladi:

**Ona g'oz:** — **G'ozlarim!**

**G'ozlar:** — **G'a, g'a, g'a.**

**Ona g'oz:** — **Kelinglar,**

**G'ozlar:** — **Qo'rqamiz,**

**Ona g'oz:** — **Nimadan?**

**G'ozlar:** — **Bo'ridan.**

**Ona g'oz:** — **Bo'ri qani?**

**G'ozlar:** — **Ola tog'da,**

**Ona g'oz:** — **Uchib, uchib**

**kelinglar.**

Shundan keyin g'ozlar "g'a, g'a, g'a" degan ovoz chiqarishib, ona g'oz tomon uchib kela boshlaydi. Yo'lda g'ozlarga bo'rilar hujum qilishadi. O'g'il bolalarning qo'liga tushgan qizlar o'yindan chiqib turadilar. Tutqich bermay, ona g'ozning oldiga "eson-omon" uchib borgan g'ozlar esa yana avvalgi joyga qaytib, o'yinni shu tarzda davom ettiraveradi. Oxirgi g'oz ham bo'rilarning qo'liga tushsa, g'ozlar o'yiniga qatnashadi.

**"Mushuk-sichqon" o'yini:** ko'proq qizlarga mos. Bunda o'yin uchun to'planganlardan biri "Qotdik!" deb yuboradi. Hamma qizlar turgan joylarida qotib qolishadi. Kim birinchi bo'lib qimirlasa, o'sha "sichqon" hisoblanadi. Endi u yana "Qotdik!" deydi. Boyagi holat takrorlanib, birinchi bo'lib qimirlagan qiz "mushuk" hisoblanadi. Sichqon va mushuklar aniqlangach, o'yin boshlanadi. O'yinchilar bir-birlarining qo'llarini zanjirsimon ushlab, aylana hosil qilib turib oladilar. Aylana atrofidin sichqon qochadi, mushuk esa qulaydi. Sichqon aylana ichiga kirib chiqib yurishi mumkin, mushukni esa aylana hosil qilib turganlar ichkariga qo'yamaydilar. Qachonki mushuk sichqonni ushlasa, o'yin nihoyasiga yetadi.

**Z. TOSHOVA,**

**Shayxontohur tumanidagi 41-umumta'lim maktabi o'qituvchisi, J. UMRZOQOVA, Mirzo Ulug'bek tumanidagi 18-umumta'lim maktabi o'qituvchisi**

## КУШЛАР ОПАМИГА САЎХАТ

Ўқувчиларим билан қушларнинг асосий пат ва қанотларига эътибор қаратдик. Улар ҳаводан қувват олиб, баландликка қўтарилганида узун қанотлари жипслашади, пастлаб ерга қўнаётганда эса ёйилиб кенгайди. Қанотли дўстларимиз теварак-атрофга жуда эътиборли ва сезғир. Уларнинг тўп-тўп бўлиб учishi, озикланиши, ўз ҳудудларига эгалик қилиши зимдан қузатдик. Ўқувчилар кўрган ва қузатган ҳолатларини дафтарга қайд этиб боришарди.

Кўз ўнгимизда дашт бургути. «Паррандалар султони»га табиат мислсиз қуч-қувват ва жасорат инъом этган. У қудратли, чаққон ва айни пайтда тажовузкор. Патлари кўринишидан оддий бўлса-да, пишиқ ва муштаҳам. Юксакка парвоз қилганида жасурлиги ва шиддаткорлиги кўзни қувонтiradi. Мағрур бу қуш ўлжасига дарров ташланмайди, балки қулай пайтни пойлайди. Унинг асосий қуроли ўткир тирноқлари

### Tabiat va inson

бўлиб, ўлжасига найзадек санчилди. Узок давом этакидан парвоз бехисоб озуқа топиш имконини беради. Дашт бургути учун об-ҳаво қандай бўлиши аҳамиятсиз. Ҳавода рақибга тап тортмай рўбарў бўла олади. Тажовузкорона ҳаракатлари рақибни чўчиштириши мумкин. Бэъзан бургути ўлжасини қалғитиш учун галалашиб ҳужумга ўтади.

Улга бор жойда бургутилар ҳозир озаир. Ўқувчилар билан қушларнинг «куюқ зиёфат»и устидан чиқдик. Бургут, тасқара, қалхат каби йиртқичлар бизни кўргач, бирин-кетин учиб кета бошлади. Айримларининг эса шундоқ ўлжани ташлаб кетиш нияти йўққа ўхшайди... Фермер Суюн ақанинг гапларига қараганда, бунақа бургутилар ҳаддан ташқари тўйиб кетса, унчалик уча олмайд қоларкан.

— Ҳозир уларни тутиш қийин эмас. Истанангиз, бирортасини ушлаб беришим мумкин, — деди у.

Биз фермернинг ҳеч қандай қурол-яроғсиз бургути тутиб олишга ишонқирамадик. Аммо, чиндан ҳам, қушлар керагидан ортиқ гўшт егани учун уча олмасди. Фермер вақтини ўтказмай, улар томон шошилиб, қадамни тезлатди. Яқинлашганимизда қушлар истар-истамас қанот қоқиб, битта-битта кўкка кўтарила бошлади. Бироқ бургутилардан бири бошини кескин эгганича пастлаб, ерга қўнди. Шунда фермер устамонлик билан қушни кўлга киритди. Кейин жониворни кўтариб олди. Ҳавода эса йиртқич қушларнинг шовқин-сурони бир зум ҳам тинмасди.

— Биз учун бу саёхат эсда қоларли бўлди. Таътил кунлари бургутининг ҳолидан хабар олиб тураемиз. Майда суг эмизувчи жониворлар билан озиклантириб, ҳаёт тарзини қузатиш имконига эга бўлдик, — дейди тўғарак аъзоси Дониёр Шодиев.

Саёхат ўқувчиларимга ёққани шундоқ сезилиб турарди.

**Каромат КОМИЛОВА,**  
**Жиззах шаҳридаги 1-умумта'лим мактаби биология фани ўқитувчиси**

*Баҳор... Майин шабадада эркалиниб тебранаётган майсаларда бир илоҳий сир бордек. Ҳаммадан баландда туриб ажиб тароватга шоҳид бўлаётган Кўёш жилмаяди — тенгсиз чирой қаршидада қамашади унинг кўзлари гўё...*

*Сергели туманидаги 6-ихтисослаштирилган мактабининг ҳовлиси ҳам ҳар доимгидан-да ўзгача. Байрам саҳнасида сариқ, пушти, оқ ҳарир либосларда қизчалар шўх рақсга тушаёттир... Беихтиёр баҳор поклик, бегуборлик, нафосат ва хуррамлик фасли эканлиги ҳақида ўйлай кетасиз...*

*Янгилашни ва яшарни фасли барчамизнинг қалбимизни ҳушнудлик, юртимизда ҳукми сураётган тинчлик ва тотувликдан шукроналик ҳиссига тўлдирди, — дейди мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Зулфия Исмоилова. — Бу кайфият муассасамизда миллий анъаналаримиз асосида ўтаётган «Хуш келинг, Наврўз!» номи тadbир иштирокчиларининг юзу кўзиде акс этиб турибди.*

Бурхон РИЗОКУЛОВ олган сурат.




Жаҳоннинг 30 дан ортиқ мамлакатларида машина ишлаб чиқарилади. Ўзбекистон ҳам мана шундай машинасозлик саноати жадал суръатларида ривожланаётган давлатлар сирасига кўшилди ва айни пайтда ўзимизда ишлаб чиқарилаётган автомобиллар харидорлари кўпайиб бораёпти. Бу эса ҳукуматимизнинг автомобилсозлик саноати, автомобил-йўллар соҳасига жиддий эътибори самарасидир. Эндиликда машина ишлаб чиқариш билан бир қаторда унга зарур бўлган эҳтиёт қисмлар ҳам ўзимизда яратила-

ётгани, уларни ишлата оладиган етук, малакали му- тахассислар тайёрлашни юқори босқичга олиб чиқиш тадбирлари қўриб кўришни кишини қувонтиради. Бу борадаги истиқболли ишларни Тошкент автомобиль йўллари касб-ҳунар коллежиди ҳам кўриш мумкин. У ерда таъкил этилган "Автолаборатория" ва "Авто- мобилларга хизмат кўрсатиш устaxonаси" ёш кадр- ларнинг пухта билим олишлари ҳамда замон талаби- га мос замонавий касб-ҳунарларни ўзлаштиришида муҳим аҳамият касб этаёпти.

### Milliy dastur — amalda

## АВТОЛАБОРАТОРИЯ

ёшларнинг икки-уч ҳунарни пухта эгаллашларига хизмат қилаёпти



жаҳонини ҳам ўрганамиз, — дейди 3-босқич ўқувчиси Сардор Соатов. — Автобуснинг нафақат тузилиши, балки жиҳозларнинг катта-кичиклиги, уларнинг ёнигилини ҳар хил сарфлаши энгил автомобиллар- нундан фарқланади. Уларни таъмирлаш биров мураккаб. Аммо бунга ҳам алоҳида эътибор қаратган ҳолда ўргана бўлади. Ҳозир "Автолаборатория" шароитида жиҳозларни ўрнатиш ва шиналарни ямаш, филдиракларни олиш-қўйиш синга- ри таъмирлаш ишларини ўзлашти- риш олаётиз. Бу машғулларнинг кундалик ҳаётида ҳам ўрни катта. Техника шиддат билан ривожлана- ётган бир даврда автомобилларга бўлган эҳтиёт тобора ортиб бормоқда.

"Автомобилларни йиғиш ва си- наш бўйича техник-механик", "Ав- томобилларни бўяш ва кузов иш- лари бўйича техник-механик", "Ав- томобилларга техник хизмат кўрса- тиш бўйича механик" ва "Транспор- тларда ташиш ва бошқаришни таш- кил этиш", "Ёниги қўйиш шаҳоб- чаларига сервис хизмати кўрса- тиш техниги" му- тахассисларини тайёрлашда коллеж-корхона тизи- мининг алоҳида ўрни бор. Шу мақ- садда "Тошхашартрансхизмат" уюшмасига қарашли 10та автобус саройи ва "Махсустрас" давлат унитар корхонасига қарашли 11та "Махсустрас" АТК ҳамда GM "Uzbekistan" ҚҚ, "СамАвто" ҚҚ, "GM Uzbekistan" мотор заводи, "Интертранссервис" ОАЖ, Махсус тажриба автокорхонаси, "КАМКО" қўшма корхонаси, Чукурсой авто- корхонаси, "Оқтепа автомобилчи" МЧЖ, "Автосайёҳтранс" ОАЖ, "Рав- шан" ОАЖ, "Йўловчтранссервис" ягона ҳўжалик ҳисобидидаги марказ, "Тошавтойўл" ЙҚҚШК каби автокор- хоналар, шунингдек, Ўзавтосаноат

акциядорлик жамиятига тегишли 12та ташкилот ҳамда Тошкент дав- лат техника университети, Тошкент автомобиль-йўллар институти билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган.

### Ўқитувчи уста бўлиши керак

— Кадрларнинг ҳар жиҳатдан пухта билим олишлари ва эгаллаган билимларини амалиётда қўллашлари учун ишлаб чиқариш корхона ва ташкилотлари билан шартнома туз- ганмиз, — дейди "Автомобилларда ташиш" фани ўқитувчиси Абдуман- ноб Абдурасулов. — Ўқувчилар иш- лаб чиқариш амалиётларини бево- сита автобус корхоналарида мута- хассисларга бириктирилган ҳолда ўтказишади. Бу ўқувчининг олган билимларини янада ривожлантириш ва мустахкамлаш имконини бе- ради. Инсон уч хил ҳолатда фанни чу- қур ўзлаштиради: назарияни ўқиб, атрофдан кузатиб ва ўзи киминг- дир ёрдамида бажариш асосида. Буларнинг ичиди ўзи бажариб, бе- восита қатнашгани унинг хаёлида узоқ вақт мобайнида сақланиб ту- ради. Ўқувчи назарий машғулотлар- да автомобил эҳтиёт қисмини та- саввур қилиши мумкин, бироқ уни ушлаб кўрганда деталнинг ишлаши ҳақида бирламчи фикр пайдо бў- лади. Шунинг учун унга ўргатаётган ўқитувчи ҳам асбоб-ускунанинг иш- лаши, функцияси ва ҳаракатга кўрсатадиган таъсири хусусида маъ- лумотга эга бўлиши билан бир қаторда уни тушунтира оладиган ўз касбининг ҳақиқий устаси бўлиши бугунги куннинг талабидир. Шунда- гина у ўқувчига зарур бўлган аниқ маълумотни сингдира олади.

"Автомобиль тузилиши", "Авто- мобилларга техник хизмат кўрса-

тиш", "Йўл ҳаракати қоидалари ва ҳаракат ҳавфсизлиги" сингари на- зарий ва амалий машғулотлар ўқув хоналарида ўтилаётган дарс маш- гулотларида ўқувчилар машинанинг яратилишидан тортиб, таъмирлани- шигача бўлган жараёни ўрганиша- ди. Машинани таъмирлашнинг ҳам ўзига хос қийинчилик ва машаққат- лари борки, бу бўлғуси му- тахассис- дан диққат-эътибор ва сабр-бар- дошни талаб этади.

— Устaxonамизда барча имкони- ятлар яратилган, — дейди автомо- билларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўлими ўқувчиси Ирода Саидова. — Компьютерлаш- тирилган балон олиш-ўрнатиш ус- кунаси, филдиракни мувозанатлаш стенди, двигатель, юк кўтаргич (дамкрат), балон тешигини аниқлай- диган бассейн шулар жумласидан- ди. Машина техник хизмат қўрса- тиш ямасига келгач, унинг шинала- ри ечиб олинишидаги ҳавфсизлик қоидаларидан тортиб, ўрнига қўйил- гунга қадар вазият босқичма-бос- қич амалиёт дарсларида намоиш орқали тушунтирилади. Бунда ўқув- чининг бевосита ўзи ҳам иштирок этади. Мазкур устaxonа ўқувчининг назарий билимларини асослаши ба- робарида, унинг кейинги фаолият- тида қийналмаслиги ва асбоб-уску- наларни кўрганда иккиланмаслиги- ни таъминлайди.

### Ўқитувчи малакаси заводда оширилади

— Замон тезликда тараққий эта- ркан, ҳар бир соҳада бўлгани каби машинасозликда ҳам ҳар куни ни- мадир ихтиро қилинади, — дейди амалиётчи ўқувчи Миродил Равша- нов. — Ҳозир амалиёт ўташ жараё- нида энг охири қўрилмалар ва уларнинг вазифаси ҳақида батаф- сил маълумотга эга бўлаётиз. Ма- шинасозликнинг энг охири техно- логияларини кузатиб, олдингилари билан фарқи ва ривожланаётганли- гини кузатаётиз. Яратилган замо- навий шарт-шароит ва тинимсиз меҳнат эса бизни янги марралар сари етаклайди.

"GM Powertrain-Uzbekistan" ва Тошкент автомобиль йўллари касб- ҳунар коллежи ҳамкорлигида "Уста- ўқитувчи-ўқувчи" тизимини янада такомиллаштиришга алоҳида эъти- бор қаратилаётир. Ҳозирги кунда мазкур таълим муассасасидан олти нафар малакали ўқитувчилар — Аҳмад Сайдалиев, Маҳмуд Акбаров, Абдуқодир Толипов, Абдулла Ҳоши- мов, Қаҳрамон Алибоев заводнинг двигательларни йиғиш оператори ва- зифасида ишламоқда. Албатта, бу му- тахассисларнинг замонавий жи- ҳозлар билан таъминланган корхо- нада ишлаши ва у ерда тўплаган тажрибалари асосида бўлғуси кадр- ларнинг замонавий билимларни пухта эгаллаган, ўз фаолиятини йўлга қўя оладиган даражада тай- ёрланишида асқотади. Бундан таш- қари, коллеж ўқувчилари мана шу корхонада амалиёт ўташади, қисқа фурсат ичиди амалиётни муваффа- қиятли олиб бориб, корхона ишон- чини қозонган ўқувчилар ишга так- лиф этилади. Эндиликда ўша кор- хонада фаолиятини бошлаган 25 на- фар ўқувчи тажрибаларини янада бойитаётир. Хуллас, ҳамжиҳатлик- даги фаолият асосида ҳар бир ўқув- чининг етук му- тахассис бўлиши йўлида амалга оширилаётган иш- лар ҳозирданок ўз самарасини кўрсатаёпти.

Олим ЖУМАОБОВ,  
"Ma'rifat" мухбири

### "Кўрсатсанг, эслаб қоламан"

— Автолабораторияда амалий машғулотлар доим қизғин кечади, — дейди коллеж битирувчиси Жа- воҳир Шарипов. — Дарсда ўрган- ганларимизни тезроқ амалиётда ба- жариб кўргимиз келади. Бир-бири- га боғлиқ техник ҳаракатларнинг айни ўзини кузатиш, унинг сир-си- ноатини ўзлаштириш иштиёқи ла- бораторияга қорлайверади. Пор- шен, филдирак, шина, радиатор, овоз қучайтиргич сингари асбоб-ус- куналарнинг қандай вазифа ба- жаришини лабораторияда тўлақонли тушунаётиз. Масалан, асосий узатманинг вазифаси кардон вал- дан келаётган бурувчи вазиятни ка- майтирган ҳолда етакчи филдирак- га етказиб беришдир. Буни айтил- ганда тасаввур қилиш биров мурак- каб, бироқ кузатиш орқали осонги- на англаб етиш имкони мавжуд.

— Лабораторияда энгил автомо- биллар билан бир қаторда, авто- бусларга техник хизмат кўрсатиш

# НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

*Муҳтарам юртдошлар!  
Барчангизни халқимизнинг  
азалий қадриятлари  
мужассамлашган  
Наврўз умумхалқ  
байрами билан кутлаймиз!  
Сизга энг эзгу тилакларимизни  
йўллашдан бахтиёрмиз.*



**НАВРЎЗ АЙЁМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!**





Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги  
Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази



**ЎҚИТУВЧИЛАР, ЎҚУВЧИЛАР ВА ОТА-ОНАЛАР ДИҚҚАТИГА!**


**ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИДА ЯРАТИЛГАН ЭЛЕКТРОН  
АХБОРОТ-ТАЪЛИМ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙЛАНИШНИ ТАКЛИФ ЭТАМИЗ.**

Халқ таълими вазирлигининг [www.eduportal.uz](http://www.eduportal.uz) ахборот-таълим портали ва расмий [www.uzedu.uz](http://www.uzedu.uz) веб-сайти ҳамда Марказнинг расмий [www.multimedia.uz](http://www.multimedia.uz) веб-сайтлари фаолият олиб бормоқда.

Уларга электрон ахборот-таълим ресурслари, видеодарслар, масофавий таълим курслари, интерактив ўйинлар, тест ва машқлар, виртуал лаборатория ишлари, мультимедиа таълим ресурслари, дарс ишланмалари ва бошқа таълим ресурслари жойлаштирилган. Шунингдек, амалдаги дарсликларнинг 7 тилдаги электрон шакли, давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва мавзулар киритилиб борилмоқда.



Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Ахборот-таълим порталида хорижий тилларни ўрганишга доир электрон ресурсларни жойлаштириб бориш учун алоҳида бўлим очилган. Ушбу бўлимда хорижий тилларни ўрганишга йўналтирилган “Одамнинг тана аъзолари”, “Касблар”, “Транспорт ва йўл ҳаракати қоидалари”, “Уй жиҳозлари”, “Уй ҳайвонлари”, “Ёввойи ҳайвонлар”, “Сабзавотлар”, “Мевалар”, “Кийимлар” каби мавзулар бўйича таълим ресурслари билан танишишингиз мумкин. Бўлимнинг интернетдаги манзили: <http://eduportal.uz/uzb/info/talim/foreign/>.



Ахборот-таълим порталининг электрон кутубхона бўлимида “Вилоятлар тажрибасидан” рукни остида вилоятлар ва республика ташкилотлари кесимида педагог ходимлар томонидан ишлаб чиқиляётган ва дарс жараёнида фойдаланиляётган электрон дарсликлар, дарс ишланмалари, тақдимотлар, кўргазмалар қуроқлар ўз аксини топган.

Бўлимнинг интернетдаги манзили: <http://eduportal.uz/uzb/info/library/viloyattajriba/>

Бизнинг манзилимиз:

Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 13-даҳа, 49-Б уй.

Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: (99871) 223-16-31, 223-16-39, 223-16-37.

Тақлифлар учун манзил: e-mail: [multimedia@xtv.uz](mailto:multimedia@xtv.uz)

# O'YNAB, SO'ZLAB O'RGANAMIZ!

Мамлакатимизда истиқлол йилларида “Таълим тўғрисида”-ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш доирасида чет тилларни ўқитишнинг комплекс тизими яратилди. Жумладан, 51,7 минг нафардан зиёд чет тиллар ўқитувчилари тайёрланди, умумтаълим мактабларининг 5–9-синфлари учун инглиз, немис ва француз тиллари бўйича мультимедиа дарсликлари, бошланғич синфларда инглиз тилини ўргатиш бўйича электрон ресурслар яратилди. Умумтаълим муассасаларида 5 мингдан кўпроқ лингафон кабинетлари ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган “Чет тилларни ўргатиш тизimini янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори эса чет тилларни ўқитиш ва шу тилларда эркин сўзлаша оладиган мутахассислар тайёрлаш тизimini тубдан такомиллаш-

## O'qituvchiga yordam

тиришга, ёшларнинг жаҳон цивилизацияси ютуқлари, дунё ахборот ресурсларидан кенг қўлдан фойдаланиб, халқаро ҳамкорлик ҳамда мулоқотни ривожлантиришларига кенг имконият яратди. Қарорда 2013-2014 ўқув йилидан бошлаб республикамизнинг барча умумтаълим мактабларида чет тиллар, асосан, инглиз тили биринчи синфдан бошлаб ўйин тарзида, оғзаки нутқ дарслири шаклида ўргатилиши белгиланган. Шуни ҳисобга олган ҳолда, газетамизда болалар шоираси Кавсар Турдиеванинг ўқучиларнинг чет тилидаги луғат бойлигини кенгайтиришга хизмат қилувчи туркум шеърлари ва уларда мавжуд бўлган инглизча сўзларнинг талаффуздаги шаклини бериб боришни режалаштирдик. Бу бошланғич синф ўқитувчилари иш фаолиятида қўл келади, деган умиддамиз.

## Nima nimaning bolasi?

Har kimniki o'ziga,  
Oy ko'rinar ko'ziga.  
Kuchuk — dog uchun, albat,  
Puppy — kuchukcha qimmat.  
Horse — ot ochar quchoq:  
Kelaver foal — toychoq!  
Goat — echki ertalab  
Kid — ulog'in erkalab  
Der: “Kir bo'lmagin zinhor  
Piglet — cho'chqacha misol”.  
Oqqush — swan aytar alla:  
“Uxla, cygnet, jon bolam”.  
Fox — tulki xursand picha,  
Uxladi cub — tulkicha.  
Duckling — o'rdakcha suzar,  
O'rdak — duck undan o'zar.  
Chicken — jo'jacha paxmoq,  
Feathers — patlari yumshoq.  
Sakrar kitten — mushukcha,  
Cat — mushuk topdi uycha.  
Cow — sigir «mo'-mo'» dedi,  
Buzoq — calf qayda edi?  
Ona qo'y — sheep xo'p quvnoq,  
Yonida lamb — qo'zichoq.  
Baqa ko'zi ariqda,  
Tadpole — itbaliqda.  
Har kimning o'z bolasi —  
Baby, ko'zi qorasi  
O'ziga xo'p yoqadi,  
Mehr bilan boqadi.

Dog  
Papi  
Ho's  
Foul  
Gout  
Kid



Piglet  
Svon  
Si'gnit  
Foks  
Kab  
Daklin  
Dak  
Chicken  
Fi'zes  
Ki'ten  
Ket  
Kau  
Ka'f  
Shi'p  
Lemb



Tedpoul  
Beybi



Kavsar TURDIYEVA  
(Davomi bor.)

Асал боғчага ҳаммадан олдин боришни яхши кўради. Чунки у боғча опаси ва дўстларини, дугонаси Моҳирани тез соғиниб қолади-да. Айниқса, тарбиячиси Гулбаҳор опанинг машғулотлари унга жуда ёқади. Боиси, болажонлар қизиқарли машғулотлар вақтида турли жойларга “саёҳат” қилишар экан. Навбатдаги саёҳат ҳайвонот боғига уюштирилишини эшитиб, биз ҳам Асалга ҳамроҳ бўлдик...

### Ҳайвонот боғига “саёҳат”

Чилонзор туманидаги 200-мактабгача таълим муассасасининг кичик гуруҳ машғулотлар хонаси озода ва ёруғ бўлиб, унда болажонлар жамулжам ўтиришарди. Тарбиячи Гулбаҳор Дадабоева мультимедиа дастурларидан фойдаланиб, ўғил-қизларни ёввойи ҳайвонлар билан таништирмоқда. Ўқитиб бериш жихати, мультфильм инглиз тилида намойиш этилаётганди. Тарбияланувчилар ҳайвонлар номини инглиз тилида бемалол айтиб беришарди.

Тарбиячи кичкинтойларга бирин-кетин савол бера бошлади:

— Болажонлар, айтинг-чи, ҳозир мультфильмда қайси ҳайвонларни кўрдингиз?

Моҳира:

— Ўрмон қироли шерни кўрдик. У инглиз тилида lion (лайн) дейилади...

— Абдурашид, бўйи узун ҳайвон — жирафа, у инглиз тилида қандай аталар экан?

— Giraffe (жи'рэф)...

— Асал, сенга қайси ҳайвон кўпроқ ёқди?



## ИЛК КЎНИКМАЛАР

### МТМдаги машғулотларда шаклланмоқда

— Менга айиқ — bear (бе(а) ёқди...

— Баракалла, болалар! Мана, ёввойи ҳайвонларнинг инглизча номини ҳам билиб олдингиз. Энди эса гапирувчи алифбомиз билан озгина суҳбатлашамиз.

### Гапирувчи алифбо

Машғулотлар хонасидаги ёзув тахтасига гапирувчи алифбо илиб қўйилди. Болажонлар сеҳрли тугмалар босилишини сабрсизлик билан кутишарди. Ниҳоят, тарбиячи тугмачаларни бирин-кетин босгач, инглиз тилида қўшиқ янграй бошлади. Болажонлар бу қўшиқни аллақачон ёдлаб

олишган экан, беихтиёр унга жўр бўлишди:

— Эй, би, си, ди, ий, эйф, жи, Эйч, ай, жей, кей, эл, эм, эн, о, пи.

Кю, а(р), эс, ти, ю, ви, Даблю энд экс, вай, зет.

— Масканимизда таълимий ва тарбиявий аҳамиятга эга кўпгина қизиқарли машғулотлар олиб борилади, — дейди Гулбаҳор Дадабоева. — Президентимизнинг “Чет тилларни ўрганиш тизimini янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ 2013-2014 ўқув йилидан I-синфларда хорижий тиллар ўйин тарзида ва

оғзаки нутқ дарслири шаклида ўқитилиши белгиланган. Шу боис муассасамизда болажонларга инглиз тилини ҳам ўргатаёلمиз. Ёши ва қизиқишлари ҳисобга олиниб ўтилаётган машғулотлар болаларнинг мактабга мослашувига ҳам ёрдам беради. Қизиқарли мультимедиа дастурини eduportal.uz сайтидан олиб, амалиётда улардан кенг фойдаланаямиз.

Машғулотларни доимий назорат қилиб борувчи МТМ мудираси тарбиячиларга керакли ўринларда маслаҳат беришдан эринмайди.

— Муассасамизда тарби-

яланаётган 159 нафар ўғил-қизларнинг ҳар бирига алоҳида эътибор билан индивидуал ёндашиб, таълим беришга ҳаракат қилаёلمиз, — дейди муассаса раҳбари Дилбар Зуфарова. — Болаларни мактабга тайёрлаш, қобилиятини юзага чиқариш, ўқишга иштиёқини оширишни ўз олимизга асосий мақсад қилиб қўйганмиз. Тарбиячилардан Матлуба Ҳамидова, Нодира Юсупова ўз машғулотларида eduportal.uz ахборот-таълим порталининг “Хорижий тилларни ўрганамиз” бўлимидаги мультимедиа йўналишлардан самарали фойдаланиб боришарди. “Vegetables” (сабзавот ва полиз экинлари), “Wheat” (об-ҳаво), “Animals” (ёввойи ҳайвонлар) каби қизиқарли дастурлар болалар ёшига мос бўлиб, кичкинтойларга инглиз тилидан бошланғич тушунчаларни бериш ҳамда атроф-олам билан таништиришда қўл келади.

Кечagina “она”, “дада” деган сўзлар билан тили чиққан болакай бугун мактабгача таълим муассасасида хорижий тилларни ўйин ва машғулотлар асосида ўрганмоқда. Энди улар “father” (ота) ва “mother” (она) каби сўзларни ҳам бемалол талаффуз қилаёпти. Эртага бу ўғил-қизларнинг мактабда чет тилини ўрганиши осон кечиши табиий. Чунки кичкинтойларнинг бу борадаги илк кўникмалари мактабгача таълим муассасаларидаёқ шаклланыпти.

Гулюз ОРИФЖОНОВА,  
“Ma'rifat” мухбири

Кўшиқда батафсиллик, баён йўқ. Лирик қаҳрамоннинг оний туйгулари, турфа кечинмалари, ҳолати, кайфияти қисқа рамзий образлар воситасида ифодаланади. Кўшиқ замиридаги воқелик баёни ушбу образлар асосида юзага чиқади, талқин этилади. Халқ кўшиқларидаги поэтик рамзларга бағишланган дастлабки мақолаларимизда рамз назариясига доир хоссалар ёритилиб, улар ўзак ва вазият рамзий образларга ажратиб тавсифланган эди.

Халқ кўшиқларида ўзак рамзлар етти урин тутати. Ўз навбатида уларни пайдо бўлиш заминига кўра икки гуруҳга ажратиш мумкин.

1. Халқнинг кўҳна мифологик дунёқарашлари ва турли инонч-этноколий қарашлари замирида пайдо бўлган рамзий образлар.

2. Табиий қиёс асосида пайдо бўлган рамзий образлар.

Ушбу таснифдаги — табиий қиёс асосида пайдо бўлган рамзий образлар тарихига назар ташланса, уларнинг барчаси вазият рамзлар босқичидан ўсиб чиққанлиги кузатилади. Вазият рамзлар эса, инсон ҳаётига тегишли мотивнинг табиат лавҳаларига параллел, қиёсан берилиши орқали пайдо бўлади. “Айни жараёнда инсоннинг тасавури, кузатиши, билимларининг ҳосиласи турли нарса ва предметларни кўнглининг қиёсий ифодачисига айлантиради. Натияжада табиат ва қалб ҳодисалари ўртасидаги ички уйғунлик асосида янги рамзлар, образлар туғилади” («Ma'rifat». Шу йил, 23 февраль, 16-сон).

Лирик кўшиқлар таркибида келувчи “бозор” образи айнан вазият рамз босқичидан ўзак рамзга айланган. Бозор рамзининг поэтик маъноси ушбу сўз англатувчи тушунчалар билан чамбарчас боғлиқ. Фикримишни куйидаги тўртлик тасдиқлайди:

**Шойи рўмол деган аржада тўзар,  
Ошиқлик дегани — қизиқли бозор.  
Ошиқнинг қадрини билмаган одам,  
Неча бир ошиқнинг ҳаддини бузар.**

Кўшиқнинг “Ошиқлик дегани — қизиқли бозор” мисрасини бозор рамзининг изоҳи дейиш мумкин. Халқ бозорни ошиқ ва машуқанинг муҳаббати, ишқий муносабатларига менгаб куйлаган. Бу қиёс тасодифий эмас, табиий асосларга эга. Чунки бозор ҳаётнинг энг қайноқ жойи. Айниқса, Шарқ одамининг барча муносабатлари: эҳтиёжи ва му-

роди, орзуси ва армони бозор билан чамбарчас боғлиқ. Бозор олами ранг-баранг, ундан исталган нарсани топиш, томоша қилиш, кўнгилга ёққанини сотиб олиш мумкин. Бозорда кишига ёқадиган ёки гашига тегадиган нарсалар керагидан ортиқроқ. Одамзоднинг жамики олди-сотдиси ўз-ўзи билан раёйига қарам эмас. Ўзга бир шахс, атроф-муҳит, замон измига бўйсунди. Ошиқнинг ҳаёти бозор ҳаётининг айнан ўзи. Халқ ошиқликни “қизиқли бозор” деб сифатлаши, рамзга айлантиргани шундандир. “Бозор” образи ана шу табиий хусусиятлари асосида “ишқий муносабатлар”ни ифодаловчи анъанавий рамз-образга айланди.

## ҚИЗИҚЛИ БОЗОР

### Тўртинчи мақола

**Бозора борсангиз йўлингиз бўлгай,  
Бир тўққиз олмага  
қўйингиз тўлгай.  
Авал савдонгиз кўларўмол бўлгай,  
Кўларўмол бўлмаса  
савдонгиз кургай.**

Келтирилган тўртликда бозор образи айнан ошиқ ва машуқанинг севи муносабатлари ҳароратини ифодаламоқда. Машуқа айтаётгани: мабодо севгингиз чин, ниятингиз холис бўлса, бекорчи гап-сўзларни қилмай совчиларни жўнатинг, фотиҳа бўлсин: “Бозора борсангиз йўлингиз бўлгай”, деб дил изҳорини баён этмоқда. Ана шунда уларнинг умидлари бир махражга келиши, фарзандлар суйиб (“Бир тўққиз олмага қўйингиз тўлгай”), муродга етиши мумкин. Машуқага ошиқнинг кўнгили хуши деб келиб-кетини ёқмайди. Унинг “Кўларўмол (фотиҳа тўйи) бўлмаса савдонгиз (севдим, ўлдим-қуйдим, дейишингиз ёлгон, деб ишонсизлик билдириши) кургай (бу ҳаракатларингиз бекор)”, деб кескин жавоб айтиши шундан.

Кўшиқ таркибида бозор образидан ташқари яна бир неча (тўққиз

олма, кўларўмол) ўзак рамзлар мавжуд. Барча ўзак рамзларга тегишли туб поэтик маънолар яхлитлашиб кўшиқ мазмунининг оидинлашуви-га баробар хизмат қилмоқда, лирик қаҳрамон орзулари, ўй-кечинмалари ифодаланмоқда. Бу ўринда бозор образи ошиқ-машуқанинг ишқий муносабатларини реаллаштирувчи поэтик рамз сифатида етакчи ўринни эгаллаб турибди.

Юмористик табиатли ушбу кўшиққа диққат қилайлик:

**Бозор бордим балиққа,  
Дарвозани очмоққа.  
Қизи келди кўрмакка,  
Кучуги келди хурмакка.  
Опаси яхши экан,  
Кўрпа солиб бермакка.  
Отаси ёмон киши экан,  
Миштиқ олиб отмакка...**

Кўшиқ мазмунидан ҳам маълум бўлмоқдаки, йигитнинг бозорга бориши — унаштирилган қизнинг

уйига халқнинг қадимий урф-удумига кўра, “қаллиққа” бориши билан боғлиқ воқеани акс эттирмоқда. Кўшиқдаги ҳар бир детал фақат реал воқеликни эмас, балки “қаллиқ ўйин” одатига хос руҳий кечинмаларни рамзий тасвирда баён қилмоқда. Натияжада кўшиқдаги “балиқ”, “дарвоза”, “кучук”, “кўрпа”, “миштиқ” сўзлари матн доирасида вазият-рамзларга айланмоқда. Бу ўринда ҳам етакчи рамз бозор образидир.

Кўшиқларда “бозор” деталли ошиқ ва машуқа муносабатларининг энг жўшқин, энг қайноқ ослари кечувчи ўй ва туйгуларни ифодалаб келади.

**Бозор боши тим бўлди,  
Кесак отган ким бўлди?  
Паранжга ўраниб,  
Имлаб ўтган ким бўлди?**

Қиз йигит юрагига ғулғула солиб, унинг хушини паранжисига ўраб ўтиб кетди.

**Бозора бораман, дўконда кўзим,  
Дўконнинг олдига сен қора кўзим.  
Сен учун отамдан гаплар эшитдим,  
Сени то ўлгунча севганман ўзим.**

Севгиси йўлида ҳар қандай тўсиқларни бартараф қилишга тайёр фидойи машуқа дилининг изҳори бўлмиш бу кўшиқнинг шунчаки тасвир мазмунида англаш кўшиқни жўнлаштирилади. Аслида, бозор(ишқий муносабатлар) ҳудудига тегишли дўкон (бозорда ажралиб кўринувчи объект — машуқ) эканлиги назарда тутилса, машуққа кечинмалари янада оидинлашади.

**Камзулининг бир печина чат мани,  
Ана бозор, ана хар(и)дор, сот мани.  
Ана бозор, ана хар(и)дор, ўтмасам,  
Ана майдон, ана миштиқ, от мани!**

Машуқа: “Мен фақат сени севадим. Умримни сенга фидо қилдим. Изимдан келаятганларни ўзинг бир кўриб қўй. Уларга сени алмашмадим. Мен сени деб яшаётганимни наҳотки тушунмасанг?! Ахир, бундан кўра, мени ўлдирганинг яхшироқ-ку!” деб куйламоқда.

**Шойи рўмолини бозордан олдим,  
Огажон, билсангиз,  
қаҳр этиб қолдим.  
Ҳар қайда сен юрдинг  
ўтингда ёндим,  
Мен нега ҳайронман,  
шунга ҳайронман,  
Хабарим олмасанг, бағри гирёнман.**

Ўзи севиб турмуш қуришга розилик берган қиз қаллигининг келмаётганлигидан аразда. Машуқа: “Шойи рўмолини бозордан олдим” деб, тақдир қўлпан ёрнини, соғинчини, изтиробларини баён этмоқда.

Умуман, “бозор” рамзи хусусида айрилган фикрларни жамлаб, шундай ҳулосага келиш мумкин. Халқ кўшиқларида бозор образи табиий қиёс асосида пайдо бўлиб, ўзак рамзга айланган экан, бу образ матнда сўзнинг тушунча маъносига боғлиқ ҳолда лирик қаҳрамоннинг севи, ишқий муносабатларга дахлдор ҳаётини тўқис ифодалашга имкон берган. Инсон табиатига хос нимаики бор, кўшиқда акс этади. Бозор образи ҳам бoshqa рамзлар қаторида бу табиатни бadiiy иқлимда мукамал ифодалашга хизмат қилган.

Шомирза ТУРДИМОВ,  
филология фанлари доктори

## КАМАЛАКДЕК РАНГ-БАРАНГ

Jurnallarni  
varaqlaganda...



«Бошлангич таълим» журналининг шу йилдаги 2-сонини varaqlar экансиз, рангли саҳифаларда чоп этилган қизиқарли мақолалар беихтиёр ўзига жалб этади. «Камалакдек ранг-баранг болалар» олами билан танишиб, дам ўқувчи, дам ўқитувчи руҳиятидаги ўйлардан хабардор бўласиз, хулоса чиқарасиз, фикру ёдингизни банд этган муаммоларга ечим топасиз. Мутлола асосида Темурийлар тарихи давлат музейига саёҳат қиласиз, юртимиз таълим тизимидаги янгиликлар билан танишасиз.

“Долзарб мавзу”, “Методик тавсиялар”, “Ўқиш”, “Психолог маслаҳати”, “Илгор педтехнологиялар”, “Одобнома”, “Тажриба ал-машамиз” каби рўнқлар ос-

тида эълон қилинган мақолалар орқали бошлангич таълим ўқитувчилари керакли ва фойдали манбалар билан танишади. Хусусан, Низомий номидаги

Тошкент давлат педагогика университети катта ўқитувчиси Н.Боқиеваннинг “Қийин сўзлар билан қандай ишланади?” мақоласи, 3—4-синфлар учун дарс

ишланмалари педагоглар маҳоратини оширишга хизмат қилади. “Кичик гуруҳларда ишлаш усули”, “Қақим должен быть имидж учителя” мақолаларида ҳам илгор тажриба ва фойдали тавсиялар берилган.

Умуман, ҳар бир мақола таҳлил ва мулоҳазаларга, мутахассислар фикрига бойлиги билан ажралиб туради. Мисол учун, “Ёлгон — ёмон, бу ҳақда билиш керак” материалда бола нега ёлгон гапириши, бунинг сабаб ва омиллари, ўқувчини тўриёқлиликка

ўргатиш усуллари психологик жиҳатдан очиб берилгани ота-оналар ва педагогларга таълим-тарбия жараёнида асқотати.

“Ота-оналар саҳифаси” номли янги рўнқда С.Сунатовнинг “Яхши ўқиш учун болани мажбурлаш керакми?” мақоласини ўқиб оила бошиқлари ўзларига керакли маслаҳатларни олади. Дунё болаларининг оламшумул ихтиролари билан “Қизиқарли далиллар” рўнқни орқали танишиш мумкин.

Г. ВАЛИЕВА

Баҳор келиб, кунлар илигач, енгил шаббода оғушида сайр қилиш, гуллаган дарахтлар ифори-га маъ бўлишнинг гашти бўлакча. Айниқса, ран-го-ранг чироклар ёдусига чўмилган пойтахтимиз кўчаларини велосипедда кезиб юришга (бугун бундай юртдошларимизга тез-тез кўзимиз туша-ди) ҳеч нарса тенг келолмайди. Айрим кишлоқлар-да эса кекса отахонлардан тортиб, аёлларгача ве-лосипед бошқариб, ўз манзилни яқин қилаётган-ни, қолаверса, ўзига хос спорт тури билан шуғул-ланаётганига гувоҳ бўламиз.

2005 йили Буюк Британияда ўтказилган сўвона-мога кўра, 1800 йилдан буюйга қилинган тех-ника ихтироларнинг энг юксаги айнан велосипед дея тан олинган. Маълумотларга кўра, Ер юзида яшаётган одамларнинг миллиард нафардан зиё-ди велосипеддан фойдаланар экан.

айлантарар ва қурилма ҳара-катга келарди. Бироқ темирчи мазкур кашфиётини ўзининг шахсий эҳтиёжи туфайли яса-гани учун унга патент олишни ха-ёлига ҳам келтирмаган.

1845 йили инглиз Р.Томпсон икки гилдиракли велосипед учун патент олган бўлса-да, у яратган лойиҳа шўхрат қозон-мади... 1862 йили 19 яшар их-тирочи Пьер Лалман Нанси шаҳрида болалар аравасидан илҳомланиб яратган қурилмаси-да биргина pedalларни олдин-ги гилдиракка «қўчириш» билан ўзига хос инқилоб содир этди. Лалман ўша пайтларда Мак-миллан велосипедидан мулақо-хабарсиз эди. Буни у яратган

ҳажми ҳам бир хил бўлиб, ҳай-довчи ўриндиги ўртага жойлаш-тирилганди. Энг қизиғи, шундан сўнг жуда кўплаб мамлакатлар-да «велосипед» ўрнига «ровер» сўзини ишлатиш урф бўлиб кетган экан. «Ровер» фирма-си кейинчалик улкан автомо-бил концернига айлантирил-ди ва 2005 йилгача фаолият юритди...

Инсон тафаккури ва фанта-зияси туфайли йилдан-йилга велосипед турли қисмлар, ҳар хил вазифа бажарувчи мосла-малар билан бойиб борди. 1888 йили шотландиялик Жон Бойд Данлоп велосипедлар учун дам бериб шиширилди-дан каучук шиналарни яратди.

## Bilasizmi?



Дрез самокати.  
Велосипед «хамиртуруши».

Бенц» заводининг ичида ҳара-катланиш тезлигини ошириш ва қулайлигини таъминлаш мақса-

✓ Бугун дунё бозорларида ет-казиб берил-ётган вело-сипедларнинг қарийб 95 фоизи Хитойда ишлаб чиқарилади.

# ЭКОЛОГИК СОФ ТРАНСПОРТ

Велосипед шунчаки узоқни яқин қилувчи, юзларга майин шамол уфуриб, завқ берувчи транспорт турига эмас, балки саломатлиқни мустаҳкамлаб, рухиятни тетиклаштирувчи восита ҳамдир. Эътибор берган бўлсангиз, велосипед минган кишининг бутун тана азсоси ҳаракатда бўлади. Айниқса, юрак ва мушак пайларини, асаб тизими ҳамда қон айланиш систе-масини мустаҳкамлаш, гавда-нинг тўғри ривожланишини таъминлашда велосипеднинг ўрни беқийс. У одамда чақонлик, ҳаракатчанлик ва чидамлилиқ хусусиятларини оширади. Кўп ҳолларда ортиқча вазндан қуту-лиш учун велосипед миниш та-всия этилади.

Тиббиёт тили билан айтган-да, қоннинг ксилорода тўйини-ши, мия катакчаларида қоннинг юрилиши меъёрлашади. Вело-сипед минишни бошлагач, че-кишни буткул ташлаш мумкин. Варикоздан ҳалос бўлиш, вест-билулар органини шаклланти-риш, аденоманнинг олдини олиш ҳамда ундан қутулиш, кўриш қобилиятини кучайтириш, стрессдан фориг бўлиш, нафас сиқиб билан боғлиқ касаллик-ларни бартараф этиш учун ве-лосипед миниш зарур.

Шуни унутмаслик керакки, ҳар гал сайрдан олдин вело-сипедни кўздан кечириш лозим. Велосипедни оч қорин, шунин-гдек, жуда тўқ пайтда ҳам ҳай-даб бўлмайди. Спорт машгул-ларини бажариш учун қандай тайёргарлик қўрилса, вело-сипед минишга ҳам шу тариқа ёндашиш керак. Энг муҳими, тезлиқни бир маромда ушлаш

## Ҳам узоқни яқин қилади, ҳам саломатлиқни мустаҳкамлайди

уни «югуриш машинаси» деб аташган. Чиндан ҳам, Дрез яса-ган иккита гилдирак, рул ва ёғоч рамадан иборат самокати-ни бошқариш учун ҳайдовчи-нинг югуриши талаб этиларди...

Дрез ихтиросидан илҳомла-ниб, бир қатор британиялик му-ҳандислар ҳам ўз самокати-ни яратишди: улардан Денис Жон-сон 1818 йилда ишлаган лойи-ҳанига қисман бўлса-да шакл-ланган «модел» дейиш мумкин эди. Айтганча, «велосипед» сўзининг янги атама сифатида луғатларга киритилишига фран-цуз ихтирочиси Жозеф Нисефор Ньепс сабабчи бўлган. У про-фессор Дрез кашф этган само-катга таъриф бериб, уларни «тезкор оёқлар» (французча «velocipede») деб атаган.

Аслида велосипедларнинг тезда оммалашиб кетишига 1816 йили Индонезиядаги Там-бора тоғида отилган кучли вул-қон хосилалари сабаб бўлган, деган фараз ҳам мавжуд. Юз минг нафардан зиёд кишининг ёстигини қуритган табиий офат қурраи заминимизнинг жанубида содир бўлишига қарамай, шимолий ярим шар-да тарихдаги энг кучли иккли ўзгариши ҳодисасини келти-риб чиқарган. «Йилсиз йил» деб ном олган ушбу даврда бу ҳудудда жойлашган мамлакат-лар далалари хосилдан айрил-ди, аҳоли жуда қийин аҳволга тушиб қолди. Энг ачинарлиси, очлик ва қаҳатчилик натижаси-да асосий улов — отлар ё со-тилган, ё сўйилган ёки нобуд бўлган.

Бу эса, ўз-ўзидан янги кўри-нишдаги транспорт воситаси-га бўлган кучли та-лабни юзга кел-тирди. 1839 —

лойиҳада педалларнинг паства босиш билан эмас, балки ай-лантириш орқали ҳаракатлани-шдан ҳам билиш мумкин. Ли-онлик ака-ука Оливьеелар 1864 йили Лалманнинг ихтиросини юзга чиқариш, оммалаштириш баҳонасида велосипед ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчи бўлишди. Велосипедлар учун металл рама ишлатишни ўйла-топган муҳандис Пьер Мишо билан ҳамкорликда педалли «денди-хорз»лар бозорга чиқ-рилди. Афсуски, «Мишо-Оли-вье» жамоасининг умри қисқа экан, чунки айни ишлар жойи-га тушаётган 1866 йилда асо-сий гоа соҳибни Лалманни Аме-рика дарҳол ўзига чорлади ва унга патент берди. Бу эса, Пьер Лалманнинг велосипед ихти-роси сифатида тарихга кирити-лишини таъминлади...

XIX асрнинг 70-йилларида




Лалман — велосипед ихтирочиси.

келиб, гилдираклари турли ўлчамдаги велосипед — «пенни-фартинг» (баланд-пасть) омма-лашди. Аникроги, олдинги гил-дирак орқадагисидан қарийб тўрт ёки беш маротаба катта-роқ эди. Олдинги гилдирак («пенни»)ка педал ўрнатилган ҳамда унга яқинроқ қилиб ўрин-дик ҳам қўндирилган. Асосий огирлик «пенни»га тушиши ва ўриндикнинг жуда баланд (130—160 см.) жойлаштирил-гани мижозлар учун хатарли эди. Шу боис бундай велосипедлар кейинчалик уч «оёқли» қилиб чиқарилган. Барибир, уни бош-қариш кўп куч талаб этар, узоқ масофага бориб бўлмасди...

1867 йили ихтирочи Каупер металл гилдиракларга ихчам кегай (спица) яратди. 1878 йили эса англиялик Лоусон ве-лосипед конструкциясига ажой-иб қўшимча киритди: гилдирак-ларни занжир ёрдамида бош-қарувчи механизмни кашф этди.

Ҳозирги велосипедларга ўхшаш ихтиро эса 1885 йили англиялик Жон Кепл Старли то-монидан «Ровер» («жаҳонгашта») номи остида сотувга чиқарилди. Мазкур велосипедларнинг «пен-ни-фартинг»дан фарқи — улар занжир орқа «оёқ» ўқиға уланган, гилдиракларнинг



XXI аср «авлоди».

Шундан сўнг велосипед «сочи-либ кетиш» муаммосидан ҳалос бўлди.

1898 йили педал-тормоз мос-ламаси яратилди. Бу билан ве-лосипед ҳаракати маълум тез-ликка етгач, занжир ва педал-лари айланмай, эркин ҳолда ту-радиган, ҳайдовчининг оёқлари ҳам бир дам оладиган бўлди. Шу йилларда дастлабки кўл тор-мозлари ихтиро қилинди, бироқ улар анча «ишловтаб» эди...

1878 йили илк йилгидашган велосипедлар гоёси яратилган бўлса-да, 1890-йилларда алю-мин рамалар ишлаб чиқари-лганча амалиётга татбиқ этилма-ди. Чунки ундан қўзланган мақ-сад — дала-дашда, сувлик, но-текис жойларда велосипедни йиғиб олиб, елкада кўтариб юришга мўлжалланган эди (алюмин эса металдан кўра бир неча маротаба енгил).

XX аср бошига келиб, тез-лиқни ўзгартириш механизми яратилди. Аммо улар ишонар-ли даражада мукамал эмасди. Бунга велосипеднинг пайдо бўлиши туртки берди. Спортчи-лар учун яратилган велосипед-ларда айнан тезлик ўзгариши-ни бошқарувчи механизмнинг мукамал бўлиши муҳим сана-лади. Шу туфайли муҳандислар 1903—1930 йиллардак бу бо-рада ўнлаб изланишларни олиб боришди. Бугун биз фойдала-наётган механизм гоёси 1950 йилда, машҳур италиялик вело-пойгачи Туллио Кампаноло то-монидан ишланган...

Велосипедлардан ўз вақтида бир қатор вафаларни бажари-шда фойдаланилган ҳам диққатга сазовор. XIX асрда у почта хизматчиларининг асосий транспорти бўлган. Шунингдек, қишлоқ полициячиларига ҳам велосипед берилган. Кейинча-лик Британияда велосипед ми-ниб, газета тарқатиш, «тиббий тез ёрдам»га ошиқш урф бўлган, ҳарбий соҳада ҳам велосипед хизматиға мурожаат этилган. Ҳатто «Мерседес-

дида ходим-ларга вело-сипед бирикти-рилган. Бугун жаҳон цирк-ларида икки оёқли вело-сипедларни айиқ ва и-мунлар, уч оёқли сини филлар бош-қариб, томо-шабинларни лол этишмоқ-да. Акробат-чилар эса бир оёқли ве-

лосипедларда ўнлаб хавфли трюкларни амалга ошириб, йи-рилганлари ҳаяжонга солади.

Қолаверса, юзлаб километрга чўзилган масофа бўйлаб қор, ёмғир ва жазирама шар-роитда, сахрою даштда мусо-бақаги киришишни талаб эт-вчи кўпкунлик велопойгаларни кузатиш кишига завқ бағиш-лайди. Биласизми, биринчи ве-лопойгалар «пенни-фартинг» ҳамда бошқа турдаги вело-сипед ҳайдовчилари ўртасида ўтказилган экан. Бироқ у пай-тда техник номукамаллик ту-файли спортчилар кўп жаро-ҳатланган. Шунга қарамай, 1891 йилда 1200 километр ма-софага чўзилган «Париж-Брест—Париж» йўли бўйлаб катта пойга бахслари ташкил этилган. Бугунги велопойгалар орасидаги энг йириги — маш-ҳур «Тур де Франс» эса 1903 йилдан буён мунтазам равиш-да ўтказиб келинади...

XX аср велосипед санвати-нинг ҳам юксалиш, ҳам инки-роз даври бўлди. Мутахассис-лар бунга автомобилларнинг «туғилиши»ни сабаб сифатида кўрсатишади. Масалан, 1930-йиллардаёқ полиция ходимла-ри машиналар ҳаракатиға хала-қит бермаслиги учун вело-сипедчиларни йўллардан қува-диган, 1940-йилларда эса Шимо-лий Америка аҳолиси велоси-педни болалари учун оддий бир уйинчоқ ўрнида харид қиладиган бўлиб қолган... Бироқ ноёб кашфиёт ерда қол-мади. 1960-йиллар охириға кели-б, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилувчи ташкилотлар велосипедни «экологик соф транспорт» тури сифатида қайта оммалаштиришга кириш-ди. Мазкур жараён бугун ҳам ўнлаб мамлакатларда, айниқса, талаба-ёшлар томонидан улкан экологик ҳаракат сифатида кўлаб-қувватланмоқда, тарғиб қилинмоқда.

Зоҳиджон ХОЛОВ тайёрлади.



Пенни-фартинг.  
Отдек баланд ва асов.

✓ велосипедда ҳафтасига 30 километр юрган одамда ишемик (юрак, қон-томир хасталиклари)

касаликларга чалиниш ха-вфи 50 фоизга камайди;

✓ ҳар кун ярим соат педал айлантирган киши йилга ўртача 5 кило-грамм озади.





## БАҲОРИЙ МУСОБАҚАЛАР БОШЛАНДИ

Юртимизда ёшларнинг саломатлик ва навқиронлик омили бўлган спорт ҳамда жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланишлари учун барча шароит яратиб берилган. Бугун улар мазкур имкониятлардан самарали фойдаланиб, бўш вақтларини мазмунли ўтказишмоқда.

Баҳор фасли дебочаси — Наврўз байрами фасида турли халқ сайиллари, мусобақалар ўтказилиши анъанага айланган. Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан давлат педа-

гогика институтлари талаба йигитлари ўртасида мини-футбол бўйича мусобақалар ўтказилди. Ортда қолган февраль ойида педагогика институтларида тахсил олаётган қизлар ўртасида волейбол бўйича ҳам беллашувлар ўтказилган эди.

14-15 март кунлари бўлиб ўтган мини-футбол баҳсларида голиб бўлган жамоалар вакилларида давлат педагогика институтлари, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, «Ёшлик» жисмоний тарбия ва спорт жамияти кенгаши ҳамда ҳомийлар томонидан диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

## СПОРТЧИ ҚИЗЛАРГА ҲАВАС ҚИЛСА АРЗИЙДИ

Мамлакатимизнинг барча жойларида умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежларида тахсил олаётган ҳамда спорт билан мунтазам шуғулланаётган 6 дан 16 ёшгача бўлган қизларга Президент совғаси — спорт кийимларини тантанали топшириш маросимлари бўлиб ўтмоқда.

Самарқанд вилоятининг Жомбой туманидаги 2-болалар ўсмирлар спорт мактабида мазкур тадбир кўтаринки кайфиятда ташкил этилди. Тадбирда ёшларнинг баркамол вояга етишлари учун амалга оширилаётган кенг кўламли ишларнинг юксак самара бераётгани, Юртбошимиз раҳнамолигида болалар спортини ривожлантириш, уларнинг мунтазам спорт билан шуғулланиши

учун барча ҳудудларда замонавий спорт иншоотларининг бунёд этилаётгани алоҳида тилга олинди.

— Спортсевар қизларимизга бугун барча ҳавас қилса арзийди, — дейди Жомбой туманидаги 40-умумтаълим мактаби ўқувчиси, бадий гимнастика бўйича Республика ва халқро турнирлар голиби Дурдона Олимова. — Таълимда ҳам, спортда ҳам биз учун барча

имкониятлар яратилган. Фақат оқилона ҳаракат ва меҳнат бўлса бас, муваффақиятлар эшиги ўз-ўзидан очилади. Бугунги тадбир ҳам ана шундай эътибор ва ғамхўрликларнинг узвий давомидир.

Шуни айтиш жоизки, тумандаги 900 нафарга яқин спортчи-қизларга спорт кийимлари улашилди. Шунингдек, мавжуд касб-хунар коллежларининг 200 нафар спортчи қизларига ҳам Президент совғалари топширилди.

Ҳаким ЖўРАЕВ

Самарқанд вилояти

## ҚУРЪА ТАШЛАНДИ

Футбол бўйича Европа чемпионлар лигасининг чорак финалига йўлланма олган жамоалар навбатдаги рақибини билиб олди. Қуръа ташлаш маросими доимгидек Ньон шаҳрида ўтказилди.

Демак, ўзига хос ҳаяжонли дақиқаларни тақдим этган мазкур тадбирдан сўнг муҳлислар куйидаги мурасиз учрашувларга гувоҳ бўлишди: «Малага» (Испания) — «Боруссия» (Дортмунд, Германия), «Реал» (Испания) — «Галатасарой» (Туркия), «Пари Сен-Жермен» (Франция) — «Барселона» (Испания) ҳамда «Бавария» (Германия) — «Ювентус» (Италия).

Дастлабки ўйинлар 2 ва 3 апрель кунлари ўтказилса, жавоб учрашувлари бир ҳафтадан кейин бўлиб ўтади. Шундан сўнг ярим финалга йўлланма олган клублар ўз рақибларини яна қуръа ташлаш орқали билиб олишади.

Шу кунги Европа лигаси чорак финалига ҳам қуръа ташланди. Жуфтликлар билан танишинг: «Челси» (Англия) — «Рубин» (Россия), «Тоттенхем» (Англия) — «Бавария» (Германия), «Фенербахче» (Туркия) — «Лацио» (Италия), «Бенфика» (Португалия) — «Ньюкасл» (Англия).

Ҳурматли Мирзааҳмад КОМИЛОВ!

Сизни таваллуд айёмингиз ва муборак 60 ёшингиз ҳамда ўлкамизга кириб келаётган Наврўзи олам билан чин дилдан самимий қўллаймиз.

Сермазмун ҳаёт йўлингиз ва самарали меҳнат фаолиятингиз, камтарлигу хушфайлигингиз Сиз раҳбарлик қилаётган жамоамиз учун ҳамisha қадри ва ўрнатқидир.

Сизга дунёдаги энг эзгу ниятларни билдириб, мустаҳкам соғлик, оилавий тотувлик, тинчлик-омонлик, ёш авлодга таълим-тарбия бериш йўлида олиб бораётган ишларингизда ва раҳбарлик фаолиятингизда янгидан-янги муваффақиятлар тилаймиз. Умингиз узок, ҳаётингиз баҳор фаслидек гўзал, ҳар бир кунингиз эса Наврўз шодёнасидек қувончли ва мазмунли бўлсин.

Баҳорий кайфият ва ғайрат-шижоат Сизни ҳеч қачон тарк этмасин. Доимо эл ардоғида бўлиб, фарзандларингиз ва шогирдларингиз камолини қўриб юриш бахти Сизга насиб этсин.

Эътиром билан

Юнусобод туманидаги 105-умумтаълим мактаби жамоаси.

## КЎЗЙОНАКНИНГ ЯНГИ ИЛОВАСИ

Техас штатининг Остин шаҳрида бўлиб ўтган «SXSW — 2013» фестивалида «Google» компанияси томонидан яқинда ишлаб чиқарилган «Google Glass» кўзйонаги учун дастлабки илова тақдим қилинди.

Ушбу илова 5 дастурдан иборат бўлиб, «Gmail» электрон почтаси, «Evernote» блокноти, тасвир алмашиниши учун «Sketch» хизмати, «Path» ижтимоий тармоғи ва «The New York Times» газетаси мижозлари» кабиларни қамраб олган. Ишлаб чиқарувчиларнинг сўзларига қараганда, келажакда бундай иловаларнинг сони ва сифати яна ўсиб бораверади.

Ҳар бир дастурнинг ўзига хос хусусияти мавжуд. Ускуна экрани унчалик катта ҳажмга эга бўлмаса-да, илова фойдаланувчиларга ахборотларни ихчам хронологик карточка (timeline cards) кўринишида намойиш этади. Ҳар бир карточка турли матнлар, тасвирлар ёки видеоларни ўзида жамлайди. «The New York Times» иловаси эса янгиликларнинг сарлавҳаси ва тагсарлавҳаларни, турли суратлар ва хабарларнинг босилган санасини қўриш имконини беради. Шуниси эътиборлики, кўзйонак матнининг тўлиқ шаклини акс эттирмай, уни овоз чиқариб ўқиб бериши мумкин.

Ускунанинг эътирофга лойиқ яна бир жиҳати шундаки, у ўз эгасига электрон манзилга келган кераксиз хабарларни етказиб, уни ранжитмайди. Масалан, «Gmail» иловаси фақатгина «Муҳим» белгиси остидаги хатлар ҳақида фойдаланувчига маълумотлар бериб боради.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги раҳбарияти ва жамоаси Самарқанд вилояти педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти қайта тайёрлаш факультети декани **Эркин ФУЗАЙЛОВ**нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изҳор этади.



## ОРХИДЕЯНИНГ ГУЛЛАШИ ЗАМБУРУҒГА БОҒЛИК

Биологлар орхидеяларнинг гуллаши оддий замбуруғларга боғлиқ эканини исботлади. Ушбу таҳминлар ўз исботини топган захоти мавзуга доир мақола «Molecular Ecology» журналида chop этилди.

Тадқиқотчилар кўпчилик ўсимликларнинг илдиз қисми билан симбиоз (икки хил организмнинг муайян бир муҳитда бир-бирини фойда ёки зарар келтириб, бирга яшаш)да мавжуд бўлган микоризли замбуруғларни ўрганиб чиқдилар. Бу замбуруғлар ўсимликлар учун яхшигина «бартер» вази фасини ўташи маълум бўлди. Яъни, ўсимлик илдиздан углерод олиб, ноорганик бирикмалар ҳосил қилади.

Иланишлар жараёнида замбуруғ қандай қилиб орхидеяга, умуман бошқа ўсимликларга таъсир кўрсатиши мумкин, деган савол туғилди. Ушбу саволга жавоб топшиш учун мутахассислар тўрт йил давомида турли тажрибалар ўтказиб кўрдилар.

Тадқиқотчилар тажриба учун орхидеянинг уч хил турини танлаб олиб, уларни алоҳида жойларга ўтказдилар. Ҳаммаси бўлиб олти нақча — учтаси 70 йиллик, яна учтаси эса 120 йиллик дарaxтлардан иборат ўрмонларда экилган. Олинган натижаларга таяниб олимлар айнан орхидеянинг гуллаб, чирой очилиши беvosита замбуруғларга боғлиқ, деган хулосага келишди.

Сурайё СИРОҶИДДИНОВА тайёрлади.

«Boshlang'ich ta'lim» журнали таҳририяти жамоаси таҳририятининг бўлим муҳаррири Сайёра Суннатовга отаси **Абдулла МУЗАФФАРОВ**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети маъмурияти ва Касаб уюшма кўмитаси Механика-математика факультети «Назарий ва татбиқий механика» кафедрасининг доценти **Шамил-Мамед СИБУКАЕВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.



Хитой жануби-ғарбидаги Гуйчжоу провинциясида жойлашган қўмир конларининг бирда кўмир ва газ портлаши рўй бериб, оқибатда 21 нафар қончи ҳалок бўлган, 20 киши жароҳатланиб, яна тўрт нафар ишчи бедарак йўқолган.

Германия шимоли-шарқдаги Зальцвелд шаҳридан мактаб ўқувчилари билан йўлга чиққан автобуснинг енгил автомобиль билан тўқнашиб кетиши оқибатида енгил машина ҳайдовчиси ва унинг ёнидаги йўловчи воқеа жойининг ўзида ҳалок бўлган, 13 ўқувчи эса жароҳат олиб, касалхонага ётқизилган.

Италия солиқ назоратчилари томонидан зеб-зийнат буюмлари ва қимматбаҳо тошлар савдоси билан шуғулланувчи «Bulgari» моддалар уйда текширув ишлари олиб борилди ва 2006 йилдан буён уч миллиард еврога яқин савдо айланмаси яширилгани аниқланиб, қиймати 46 млн евро бўлган маҳсулотлар мусодара қилинган.



«SHARQ» NAHRIYOT-MATBA'A AKTSIYADORLIK kompaniyasi taqdim etadi!

**СОТУВДА!**



**ТЎЗ КУНАЛАР**



**СОТУВДА!**

Автоматик Toshkent universiteti (TUSU) O'zbekiston shoh ko'chasi

Милер Наройи, nomdagi filial madaniyat katta katri (TUSU) av. Amirgaliyev Nizomiy

Васило Ко'часи, 26-кў

SHARQ ZIYOKORI SHARQ NIMAK



Мурожаат учун телефонлар:  
 (+99 895) 177-2014; (+99 871) 233-3590; (+99 871) 233-5872  
 web sayt: www.sharq.uz

**УШБУ КИТОБЛАРНИ «SHARQ ZIYOKORI» КИТОБЛАР МАРКАЗИНИНГ МАРКАЗИЙ ХАМДА ВИЛОЯТЛАРДАГИ ДУКОНЛАРИДАН СУРАНИ**

<b>Алдиқон шаҳри:</b> Фитрат кўчаси, 245-сардо мажмуаси, 2-қатор, 40-дўкон.	8 374 224-3291; +998 (95) 290-0644; +998 (95) 290-4803; +998 (91) 483-1167	<b>Фарғона шаҳри:</b> К. Додхоҳ кўчаси, 2-уй.	+998 (95) 400-4468; +998 (91) 666-0077
<b>Бухоро шаҳри:</b> Муҳаммад Иқбол кўчаси, 11-уй. Бухоро Давлат университети биносид.	8 365 223-7596; +998 (93) 620-2333	<b>Марғистон шаҳри:</b> Муस्ताқиллик кўчаси.	8 373 233-3683; +998 (98) 576-5599
<b>Жамоат шаҳри:</b> Шароф Рашидов кўчаси, 1-уй.	8 372 226-4293; +998 (90) 538-1600	<b>Тулстон шаҳри:</b> Муस्ताқиллик кўчаси, 81-уй.	8 367 225-1299; +998 (90) 509-7252
<b>Навоий шаҳри:</b> Ўзбекистон кўчаси, 14-уй. Муълал: Вилоят Судя бинда.	8 436 223-0130; +998 (95) 603-4513; +998 (90) 730-1234; +998 (90) 717-8608	<b>Термиз шаҳри:</b> Ат-Термизия кўчаси, 1-уй.	8 376 223-1104; +998 (93) 636-6868; +998 (93) 638-3858
<b>Наманган шаҳри:</b> Навоий кўчаси, 36-уй.	8 369 226-4964; +998 (93) 494-6873	<b>Қарши шаҳри:</b> Ўзбекистон кўчаси, Марказий универмаг бинда.	8 375 225-3279; +998 (98) 776-4101; +998 (98) 275-4101
<b>Муълал:</b> Наманган шаҳар Солиқ инспекцияси, «Фарход» супермаркети, «Сардоба» бозори бинда.	8 361 222-8661; 8 361 222-3239; +998 (93) 614-3932; +998 (93) 489-2522	<b>Ташкент шаҳри:</b> «Урда», Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 16-уй.	8 371 241-2590; +998 (94) 698-7979; +998 (90) 982-6941
<b>Нукус шаҳри:</b> Дуслар гузари кўчаси, Амфитеатр.	8 366 233-2368; 8 366 239-1468; +998 (90) 224-2954	<b>«Бодомзор» Юнусобод тумани, Борিশамоил кўчаси, 8-уй.</b>	8 371 234-6085; +998 (91) 163-6018; +998 (95) 177-2013
<b>Самарқанд шаҳри:</b> Университет кўчаси, 15-уй. Муълал: СамДУ Геология факультети ОРАКМ, Муस्ताқиллик кўчаси, 48-уй.	8 366 233-1763; 8 366 390-1763	<b>«Фарход» Учтепа тумани, Беруний, Шайхонтоҳур тумани, Беруний кўчаси, 12-уй.</b>	+998 (93) 902-1175
<b>Хива шаҳри:</b> «Ичан қалъа» Давлат кўриқхонаси.	8 362 375-4308; 8 362 375-6928; +998 (91) 431-5787; +998 (91) 917-6960	<b>«Авнасозлар» Ҳамза тумани, Исмоилов кўчаси, 22-уй.</b> <b>Ташкент Давлат педагогика университети</b> <b>«Милал» кутубхона»</b> <b>Юнусобод тумани, Навоий кўчаси, 1-уй.</b>	8 371 296-0826 +998 (90) 958-8239 +998 (93) 394-8988

**Ma'rifat**

**ТА'СИС**  
**ETUVCHILAR:**  
 O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston Oliy va o'rtta maxsus ta'lim vazirligi, O'zbekiston Ta'lim, fan va madaniyat xodimlari kasaba uyushmasi Markaziy Kengashi.

**Bosh muharrir:**  
 Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Madamin ARIPJANOV, Jumanazar BEK-NAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV, Farg'ux JABBOROV (bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Baxtiyor YO'QUBOV (mas'ul kotib), Mahmuda MURZAYEVA, Husan NISHONOV (bosh muharrir o'rinbosari), Nurlan USMONOV (bosh muharrir o'rinbosari), Aleksey CHUKARIN (mas'ul kotib, "Uchitel' Uzbekistana"), Sa'dulla HAKIMOV.

**Gazeta**  
 O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida № 0067 raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-6416

9 772010 641009

INDEKS: 149, 150. Г-318.  
 Tirajl 65148.  
 Hajmi 4 bosma ta'boq.  
 Ofset usulida bosilgan,  
 qog'oz bichimi A-3.

«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib boshish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqrig qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi.

Reklama materiallari uchun tahririyat javobgar emas.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.

Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy o'rtta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan, oliy va o'rtta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-54-69, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda erkin narxda

Dizaynerlar:  
 Liliya BINASHEVA,  
 Malohat TOSHOVA.

Navbatchi muharrir:  
 Behzod FAZLIDDINOV.

Navbatchi:  
 Jo'rabek JANGIROV.

«Sharq» nashriyot-matba'a aksionerlik kompaniyasi bosmaxonasi.

Korxonada manzil:  
 «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy  
 Uza xujra — 03.20  
 Topshirildi — 03.50